

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 19-20-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (363-364)
ТЎПЛАМИ 2009 йил
18 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

234. «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 майдаги ПФ-4109-сон Фармони

Учинчи бўлим

235. «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 майдаги 128-сон қарори

236. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 майдаги 132-сон қарори

237. «Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 майдаги 135-сон қарори

Бешинчи бўлим

238. «Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 3 апрелдаги 13-1/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951*)

239. «Давлат мулки объектларини аукционда ва танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисидаги Вақтинчалик низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат кўмитасининг 2009 йил 29 апрелдаги 01/23-18/10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 54-2*)

240. «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона кўмитасининг 2009 йил 6 майдаги 5-3-6/28, 53, ЭГ-01/10-2053, 01-02/8-9 ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 20 апрелдаги 7-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1952*)

241. «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат кўмитасининг 2009 йил 22 апрелдаги 01/19-18/08-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1953*)

242. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954*)

243. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар

бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 24 апрелдаги 2009-25-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-1*)

244. «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 48, 71, 5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955*)
245. «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/2, 6/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956*)
246. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 5 майдаги 01-02/6-12-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-19*)
247. «Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 апрелдаги 13-4/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957*)
248. «Кимё ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 апрелдаги 13-3/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1958*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 2 майдан 15 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****234 Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1088-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ–3678-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 май,
ПФ–4109-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 5 майдаги
ПФ–4109-сон Фармонига
илова

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тўғрисидаги
низомга киритиладиган ўзгартишлар**

1. 15-банднинг иккинчи хатбошидаги «бир нафар биринчи» сўзлари «икки нафар биринчи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 16-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Компания раиси мавқеи жиҳатидан вазирга, биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосарлари ҳамда ўринбосарларига тенглаштирилади».

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

235

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1088-сон қарори ижросини таъминлаш, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизими кадрлар таркибини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 1 май,
128-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 1 майдаги 128-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги
телевидение муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ–1088-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (кейинги ўринларда — Миллий телерадиокомпания деб юритилади) тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимларини уларнинг профессионал тайёргарлиги ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Миллий телерадиокомпания тизими телевидение муҳандислик-техника ходимларининг аттестациясини доимий фаолият юритувчи Аттестация комиссияси ўтказиши.

Доимий фаолият юритувчи Аттестация комиссиясининг (кейинги ўринларда — Аттестация комиссияси деб юритилади) шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

3. Қўйидагилар Аттестация комиссиясининг асосий вазибалари ҳисобланади:

Миллий телерадиокомпаниянинг телевидение муҳандислик-техника ходимларини уларнинг профессионал тайёргарлиги ва малака даражаси бўйича эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги баҳолашнинг ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда аттестациядан ўтказиш;

Миллий телерадиокомпания тизими кадрлари таркибини тегишли йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш;

Миллий телерадиокомпания ходимларининг, шу жумладан хорижий медиатеchnологиялар ўқув марказларида тажриба орттиришни ўташи ҳисобига доимий равишда малакаси оширилиши ва профессионал даражаси ўсиши юзасидан мониторинг ўтказиш ҳамда назорат қилиш тизимини жорий этиш.

4. Аттестация комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

II. Аттестация комиссиясининг фаолияти

5. Аттестация комиссиясини раис бошқаради. Раис вақтинча бўлмаган тақдирда Аттестация комиссиясини раис томонидан белгиладиган унинг ўринбосарларидан бири бошқаради.

6. Аттестация комиссияси раиси аттестация ўтказиладиган жой ва муддатларни, аттестациядан ўтказиладиганларнинг таркибий рўйхатини ҳамда Миллий телерадиокомпания тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан ўтказишга доир бошқа ташкилий масалаларни белгилайди.

7. Аттестация комиссияси аъзолари Аттестация комиссияси мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашадилар, зарурат бўлганда аттестациядан ўтказиладиган ходимлар фаолиятига тааллуқли қўшимча материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, аттестация варақасини ва аттестация баённомасини имзолайдилар.

8. Аттестация комиссияси фаолиятини таъминлаш учун Аттестация комиссияси котибияти тузилади. Аттестация комиссияси котибияти таркиби Аттестация комиссияси қарори билан тасдиқланади. Аттестация комиссияси котибиятини Аттестация комиссияси аъзоларидан бири бошқаради.

9. Аттестация комиссияси котибияти:

аттестацияни ўтказиш жадвалини тузади ва уни тасдиқлаш учун Аттестация комиссияси раисига тақдим этади;

Аттестация комиссиясининг тегишли қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди;

аттестациядан ўтказиладиган ходимларнинг шахсий йиғма жилдларини шакллантиради ва тайёрлайди;

Аттестация комиссиянинг аттестацияга тааллуқли тегишли қарорларини Аттестация комиссияси аъзоларига ҳамда аттестациядан ўтказиладиган ходимларга етказди.

10. Аттестация комиссиянинг тегишли мажлислари Аттестация комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган жадвалларда белгиладиган муддатларда ўтказилади. Аттестация комиссиясининг фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган ва мазкур Низом билан белгиланмаган бошқа масалалар, жумладан, Аттестация комиссиясининг иш тартиби Аттестация комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларга асосан тартибга солинади.

III. Аттестациядан ўтказиладиган ходимлар ва уни ўтказиш муддатлари

11. Аттестация комиссиясида аттестациядан ўтказиладиган Миллий телерадиокомпания тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимларининг лавозимлари рўйхати ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

12. Миллий телерадиокомпания тизимидаги телевидение муҳандислик-техника ходимлари ҳар уч йилда аттестациядан ўтказилади.

Қуйидагилар:

тегишли лавозимда аттестация ўтказиладиган санагача бир йилдан кам ишлаган ходимлар;

хомиладор аёллар, шунингдек, уч ёшгача болалари бўлган аёллар аттестациядан ўтказилмайди. Болани парваришlash учун берилган таътилда бўлган аёллар, улар ишга чиққанидан сўнг бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

IV. Аттестациядан ўтказиш талаблари

13. Аттестация комиссияси раисининг аттестация ўтказиладиган муддатни ва аттестациядан ўтиши лозим бўлган ходимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори аттестация ўтказилишидан камида 30 кун олдин аттестациядан ўтказиладиган ходимларга етказилади.

14. Аттестация комиссиясига ҳар бир аттестациядан ўтказиладиган ходим учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

меҳнат фаолияти ва маълумоти тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома;

сўнги уч йилда малака оширганлик тўғрисидаги гувоҳнома (сертификат) нусхалари (мавжуд бўлса);

ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот; ходим билан меҳнат шартномаси имзолаган раҳбардан тавсифнома.

Аттестация комиссияси аттестациядан ўтказиладиган ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисида қўшимча маълумотлар сўраб олиш ҳуқуқига эга.

15. Қуйидагилар бўйича ҳолисона баҳо бериш аттестациядан ўтказиш талаблари ҳисобланади:

профессional тайёргарлиги, маълумоти ва малакаси бўйича эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги;

лавозимига нисбатан қўйилган талабларнинг таъминланиши ҳамда тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя этиши ва бу борада зарурий билимларга эгалиги;

зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда юқори технологик телерадиоускуналар, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши ва уларни иш фаолиятида қўллаши;

телерадио соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятидан хабардорлиги.

V. Аттестацияни ўтказиш тартиби

16. Аттестация комиссияси мажлиси аттестациядан ўтказилаётган ходим иштирокида ўтказилади.

Аттестацияга узрли сабаб билан (меҳнат таътили, хизмат сафари, касаллик варақаси ва бошқа сабаблар бўйича) келмаган ходимлар Аттестация комиссиясининг навбатдаги мажлиси вақтида аттестациядан ўтишлари керак.

Аттестацияга узрсиз сабаб билан келмаган ходимлар ёзма равишда огоҳ-

лантирилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келмаган тақдирда Аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар (материаллар) асосида аттестациядан ўтказиладиган ходимнинг эгаллаб турган лавозимига нолайиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

17. Аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни (материалларни) кўриб чиқиб, аттестацияни ўтказди.

18. Аттестацияни холисона ўтказиш мақсадида Аттестация комиссияси: аттестациядан ўтказиладиган ходимга унинг функционал вазифалари билан боғлиқ бўлган ва мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган аттестациядан ўтказишга қўйилган талаблардан келиб чиқадиган саволларни беради;

аттестациядан ўтказиладиган ходим томонидан тақдим этилган унинг хизмат фаолияти тўғрисидаги қўшимча маълумотларни кўриб чиқади.

19. Аттестация комиссияси мажлиси, агар унда комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

20. Аттестация ўтказиш давомида аттестациянинг стенограммаси ёки аудио-видео ёзуви юритилиши мумкин.

VI. Аттестация натижалари

21. Ходимнинг касбий сифатларини баҳолаш тўғрисидаги қарор, шунингдек, Аттестация комиссиясининг тавсиялари аттестациядан ўтказиладиган ходимнинг иштирокисиз, Аттестация комиссиясининг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

22. Аттестация натижалари бўйича Аттестация комиссияси қуйидаги баҳолардан бирини қабул қилади:

эгаллаб турган лавозимига лойиқ;

6 ойдан кейин такрорий аттестация ўтказган ҳолда, Аттестация комиссиясининг тавсиялари бажарилиши шарти билан эгаллаб турган лавозимига шартли равишда лойиқ;

эгаллаб турган лавозимига нолайиқ.

23. Ходим тўғрисидаги маълумотлар, аттестациядан ўтказилувчи ходимга берилган саволлар ва уларга берилган жавоблар, Аттестация комиссияси аъзолари ва ходим томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, аттестация натижалари бўйича ходимга берилган баҳо, шунингдек, комиссиянинг тавсиялари аттестациядан ўтадиган ҳар бир ходимга расмийлаштирилган аттестация варақасида, ушбу Низомга 2-илова шаклида акс эттирилади.

Аттестация варақаси Аттестация комиссияси раиси, котиби ва унинг мажлисида иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

24. Аттестация натижалари овоз бериш жараёни тамом бўлгандан кейин дарҳол эълон қилинади ва Аттестация комиссиясининг баённомаси ушбу Низомга 3-илова шаклида расмийлаштирилади.

25. Аттестация натижаларига кўра ва Аттестация комиссиясининг баён-номаларига асосан ўн иш кунидан кечикмай Миллий телерадиокомпания ва унинг тизимига кирувчи корхоналар ҳамда худудий бўлинмаларнинг тегишли буйруғи чиқарилади.

26. Аттестация натижалари бўйича эгаллаб турган лавозимига нолайик деб эътироф этилган ходимга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган тартибда иш берувчининг тегишли буйруғи чиқарилади.

VII. Яқуний қоидалар

27. Аттестация натижалари бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28. Мазкур Низом қоидаларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
тизимидаги телевидение муҳандислик-техника
ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги аттестациядан ўтказиладиган телевидение муҳандислик- техника ходимларининг лавозимлари РЎЙХАТИ

1. Аппарат студия комплекси бошлиқлари;
2. Марказий аппаратхона гуруҳи бошлиқлари;
3. Телекўрсатувларни тайёрлаш, тасвирга олиш ва эфирга узатиш гуруҳи бошлиқлари;
4. Тасвир монтаж гуруҳи бошлиқлари;
5. Тасвирга олиш гуруҳи бошлиқлари;
6. Информацион кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиш хизмати бошлиқлари;
7. Телевидение ва радио кўчма техникаси хизмати бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари;
8. Махсус ёритиш гуруҳи бошлиқлари;
9. Радиоэшиттириш хизмати бошлиқлари;
10. Муҳандис техник ходимлар бошлиқлари;
11. Овоз ёзиш хизмати бошлиқлари;
12. Таъмирлаш ва профилактика хизмати бошлиқлари;
13. Телекўрсатувларни ва радиоэшиттиришларни техник назорат қилиш бўлими бошлиқлари;

14. Аппарат студия комплекси ускуналарини профилактика қилиш ва таъмирлаш хизмати бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари-етакчи муҳандис электрончилар;
15. Смена бошлиқлари, смена бошлиғи-етакчи муҳандислари;
16. Телекўрсатувларни тайёрлаш, тасвирга олиш ва эфирга узатиш хизмати бошлиқлари;
17. Тасвир ёзиш гуруҳи бошлиқлари;
18. Кўчма техника воситалари гуруҳи бошлиқлари;
19. Тележурналистика комплектлари (ТЖК) ва телеоператорлар гуруҳи бошлиқлари;
20. Радиоэшиттириш бўлимлари ва хизматлари бошлиқлари;
21. Техника бўлими бошлиқлари;
22. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиқлари;
23. Техника назорати бўлими бошлиқлари;
24. Ёритиш техникаси хизмати-бўлим бошлиқлари;
25. Тасвирга тушириш техникаси хизмати-бўлим бошлиқлари;
26. Овоз техникаси ва монтаж хизмати-бўлим бошлиқлари;
27. Кинотасмаларга ишлов бериш бўлими бошлиқлари;
28. Компьютер графикаси бўлими бошлиқлари;
29. Ер йўлдоши алоқаси ва компьютер графикаси бўлими бошлиқлари ва мутахассислари;
30. Технологик ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи бош мутахассис, етакчи мутахассис, 1, 2-тоифали мутахассислар, мазкур жараёнда иштирок этувчи бошқа тегишли мутахассислар;
31. Эфирга узатиш бош режиссёрлари, уларнинг ўринбосарлари;
32. Бош режиссёрлар, олий тоифали режиссёрлар, 1, 2, 3-тоифали режиссёрлар, режиссёрлар;
33. 1, 2, 3-тоифали режиссёр ассистентлари;
34. Олий тоифали режиссёр-клипмейкерлар;
35. Олий тоифали, 1, 2, 3-тоифали кинорежиссёрлар;
36. 1, 2, 3-тоифали кинорежиссёр ассистентлари;
37. Олий тоифали, 1-тоифали кинооператорлар;
38. 1-тоифали кинооператор ассистентлари;
39. Бош телеоператорлар, олий тоифали телеоператорлар, 1, 2, 3-тоифали телеоператорлар, телеоператорлар;
40. 1, 2, 3-тоифали телеоператорлар ассистентлари, телеоператор ассистентлари;
41. Бош овоз режиссёрлари, олий тоифали бош овоз режиссёрлари, олий тоифали, 1, 2, 3-тоифали овоз режиссёрлари, овоз режиссёрлари;
42. 1-тоифали овоз режиссёри ассистентлари, овоз режиссёри ассистентлари;
43. Олий тоифали дубляж режиссёрлари;
44. 1-тоифали дубляж режиссёри ассистентлари;
45. Олий тоифали, 1, 2, 3-тоифали овоз ёзиш режиссёрлари;
46. III — VI-даражали овоз ёзиш операторлари;

47. 1-тоифали овоз операторлари;
48. III — VI-даражали радиоэшиттириш операторлари;
49. Чирок операторлари;
50. Бош операторлар, 1, 2-тоифали операторлар, операторлар;
51. Бош эфирга узатувчилар, масъул эфирга узатувчилар, эфирга узатувчилар;
52. 1, 2, 3-тоифали монтажчилар, монтажчилар, видеомонтажчилар, телемонтажчилар;
53. Мусиқа бўйича овоз безатувчилар;
54. Компьютер ва ахборот медиатеологиялар бўлими бош мутахассислари, 1, 2-тоифали мутахассислари, мутахассислари;
55. Теледизайнерлар, мутахассис-компьютер дизайнерлари, компьютер дизайнерлари;
56. Муҳандис-назоратчилар;
57. Етакчи муҳандис-дастурчилар (программист), муҳандис-дастурчилар (программист);
58. Етакчи муҳандис-электрончилар, 1, 2, 3-тоифали муҳандис-электрончилар, муҳандис-электрончилар;
59. Етакчи муҳандислар, 1, 2-тоифали муҳандислар, муҳандислар;
60. Катта электромеханиклар, электромеханиклар;
61. Катта электрончилар, электрончилар;
62. Электрончи-монтажчилар, III — VI-даражали электрончи-монтажчилар;
63. III — VI-даражали таъмирловчи-электрончилар;
64. Таъмирловчи муҳандис-электрончилар;
65. Катта механиклар;
66. Катта чирок усталари, чирокчи-электриклар, ёритувчилар, III — VI-даражали ёритувчилар, ёритувчи-чирокчилар;
67. Катта назоратчи — усталар, катта усталар;
68. Техника-технологиялардан фойдаланиш орқали телевизион кўрсатувларни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи гуруҳлар бошлиқлари, бош мутахассис, етакчи мутахассис, мутахассислар.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
тизимидаги телевидение муҳандислик-техника
ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Аттестация варақаси

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Туғилган йили (санаси) _____
3. Маълумоти _____

(качон, қайси таълим муассасасини тугатган)

Аттестация комиссияси раиси _____

Аттестация комиссияси
раисининг ўринбосари _____

Аттестация комиссияси
раисининг ўринбосари _____

Аттестация комиссияси аъзолари:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____
10. _____
11. _____

Аттестация комиссияси котиби _____

Аттестация варақаси билан танишдим: _____
(сана ва аттестациядан ўтувчи ходимнинг имзоси)

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
тизимидаги телевидение муҳандислик-техника
ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга

З-ИЛОВА

**Миллий телерадиокомпания тизимидаги телевидение
муҳандислик-техника ходимларини аттестациядан ўтказиш
комиссиясининг
_____ -сон баённомаси**

20__ йил «__» _____

Аттестация комиссияси раиси _____
(Ф.И.Ш.)

Аттестация комиссияси
раисининг ўринбосари _____
(Ф.И.Ш.)

Аттестация комиссияси
раисининг ўринбосари

_____ (Ф.И.Ш.)

Аттестация комиссияси
аъзолари:

_____ (Ф.И.Ш.)

Аттестация комиссияси
котиби

_____ (Ф.И.Ш.)

Аттестация комиссияси 20__ йил «__» _____ даги мажлис якунла-
ри бўйича

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Т/р	Аттестациядан ўтказилган ходимнинг Ф.И.Ш.	Ташкилот ёки муассаса	Лавозими	Аттестация комиссиясининг хулосаси

Аттестация комиссияси раиси _____

Аттестация комиссияси котиби _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

236 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 55-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.А. Мухитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 8 май,
132-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 8 майдаги 132-сон қарорига
ИЛОВА

**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини
мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган
мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартлари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 55-моддасига мувофиқ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш тартиби ҳамда шартларини белгилайди.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сақлаш алоҳида қонун ҳужжатида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Мол-мулкни хатлаш мол-мулкни рўйхатга олишдан, уни тасарруф қилиш ман этилганлигини эълон қилишдан, зарур ҳолларда эса, мол-мулк-

дан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашдан, уни олиб қўйиш ёки сақлашга топширишдан иборатдир. Чеклашнинг турлари, ҳажми ва муддатларини ҳар бир муайян ҳолда мол-мулкнинг хусусиятини, унинг мулкдори ёки эгаси учун аҳамиятини ҳисобга олиб, суд ижрочиси белгилайди.

3. Хатлаш:

ундирувчига олиб бериладиган ёки реализация қилинадиган қарздорнинг мол-мулки сақланишини таъминлаш мақсадида;

жавобгарга тегишли бўлиб, унинг ўзида ёки бошқа шахсларда турган мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилаётганда қўлланади.

4. Хатланган мол-мулкни олиб қўйиб, реализация қилиш учун топшириш суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатда, бироқ хатлангандан кейин камида уч иш кунидан сўнг амалга оширилади.

Суд ижрочиси муайян ижро ишини юритиш ҳолатларидан келиб чиқиб, мол-мулкни хатлаш билан бир вақтда ушбу мол-мулкни ёки унинг айрим ашёларини олиб қўйишга ҳақли.

5. Қарздорнинг хатланган мол-мулкни тасарруф қилиш юзасидан суд ижрочисининг тақиқини бузиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқининг чекланганлигига риоя қилмаслик қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

II. Сақлаш учун топшириш

6. Хатланган ва олиб қўйилган мол-мулк қўйидагиларни сақловчи сифатида белгилаган ҳолда сақлаш учун топширилиши мумкин:

қарздорни, ундирувчини, уларнинг вакилларини, қарздор ёки ундирувчинининг вояга етган оила аъзоларини (жисмоний шахс бўлган қарздор ёки ундирувчи учун), юридик шахснинг ходимини (юридик шахс бўлган қарздор ёки ундирувчи учун);

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилини;

сақлаш учун махсус шарт-шароитларни талаб қиладиган мол-мулкни (автомототранспорт воситаси, дори-дармонлар, заргарлик буюмлари ва бошқаларни) хатлаб қўйишда мол-мулкни масъулиятли сақлашнинг белгиланган нормаларига мувофиқ махсус омборхона бинолари, асбоб-ускуналар ва шарт-шароитларга эга бўлган бошқа ташкилотларнинг вакилини;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб аталади) органларининг мол-мулкни реализация қилиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар тузилган ва мол-мулкни сақлаш учун тегишли биноларга эга бўлган савдо ташкилотларини.

7. Хатланган мол-мулкни муайян сақловчига сақлашга бериш масаласи суд ижрочиси томонидан ҳар бир ҳолатда уни рўйхатга олишда, энг аввало, мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигидан, мол-мулкнинг ўзлаштирилишига, растрата қилинишига, яширилишига, нобуд қилинишига, унга шикаст етказилишига йўл қўймасликдан ёки

бошқача тарзда мол-мулкнинг миқдор, сифат ва қиймат тавсифининг ўзгаришидан, шунингдек ушбу мол-мулк билан боғлиқ кейинги ижро хатти-ҳаракатларини амалга оширишда етказилиши мумкин бўлган ҳар хил тўсиқларнинг олдини олишдан келиб чиққан ҳолда ҳал қилинади.

8. Қарздорнинг мол-мулки сақлаш учун сақловчига мол-мулкнинг хатлаш далолатномасига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

9. Автомототранспорт воситаси хатланган тақдирда суд ижрочиси ушбу мол-мулкдан бошқа шахсларнинг фойдаланишини ва бошқача тарзда тегишлини чеклашни (муҳраб қўйишни) таъминлаши шарт.

Автомототранспорт воситалари суд ижрочиси томонидан белгиланадиган уларнинг сақланиши учун тегишли шарт-шароитлар таъминланадиган (ваколатли органлар, ДЙХХХ органлари ва бошқа ташкилотларнинг тўхташ жойлари, омборлари, жарима майдончалари) махсус ажратилган жойларга қўйилади.

Суд ижрочиси савдога қўйилган автоматотранспорт воситасини сақлаш жойини ўзгартиришга ва уларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларга эга бўлган биржаларда автоматотранспорт воситаларини сақлаш жойлари мавжуд бўлган тақдирда уни биржага сақлаш учун беришга ҳақлидир. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилиб, суд ижрочиси, мол-мулкнинг сақланиши учун масъул бўлган шахс, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун янгидан тайинланган масъул шахс томонидан имзоланади.

10. Қарздорнинг кўчмас мулкни хатлашда мол-мулк қўриқлашга топширилиши мумкин.

Суд департаменти органларида қарздорнинг хатланган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари мавжудлигини ва ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (хоналарда, сейфларда ва шу кабиларда), уларнинг сақланиши таъминланадиган шартларда сақланишига йўл қўйилади.

11. Хатланган мол-мулк, унинг эгаси, қарздор ёки бошқа шахсларнинг хоҳишидан қатъи назар, хатланган жойда қуйидаги ҳолларда қолдирилиши мумкин:

суд ижрочисида мол-мулкни жойини ўзгартириш унинг шикастланишига, қийматининг камайишига олиб келиши мумкин бўлган асослар мавжуд бўлганда;

суд ижрочисида ёки сақловчида ушбу мол-мулкни жойини ўзгартириш имкониятининг объектив сабаблари мавжуд бўлмаганда.

Ушбу ҳолатда сақловчи хатланган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатни амалга оширишга ҳақли. Бунда суд ижрочиси мол-мулкни хатлаш далолатномасида хатланган мол-мулкнинг эгасига, қарздорга ёки учинчи шахсга хатланган ва сақлаш учун сақловчига топширилган мол-мулкдан сақловчининг тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини юклайди.

12. Сақловчи мол-мулкнинг сақланиши учун тегишли шарт-шароитларга риоя қилиши ва уларни таъминлаши шарт, мол-мулкни ўзлаштирган,

растрата қилган, яширган, нобуд қилган ёки унга шикаст етказишга йўл қўйган тақдирда жавобгар бўлади, шу жумладан жиноий жавобгар бўлади, бу тўғрида мол-мулкни сақлашга қабул қилиб олган шахснинг имзоси билан хатлаш тўғрисидаги далолатномада (қарорда) ёзув қайд этилади ёки сақловчидан тегишли тилхат олинади.

Сақловчи шунингдек мол-мулкка нисбатан ижро хатти-ҳаракатларини амалга ошириш, шу жумладан кўздан кечириш, танишиш, баҳолаш ёки олиб қўйиш учун суд ижрочисининг хатланган мол-мулкдан фойдаланишини таъминлаши шарт.

13. Қарздорнинг мол-мулкни рўйхатга олиш пайтида аниқланиб, хатланган сўмлар ва чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳидаги металллардан, қимматбаҳо тошлардан, марвариддан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа буюмлар, шунингдек ана шундай буюмларнинг резгилари ва алоҳида қисмлари (бўлаклари) олиб қўйилиши шарт.

14. Олиб қўйилган сўмдаги нақд пул маблағлари кейинги иш кунидан кечикмай Суд департаменти органининг депозит ҳисоб рақамига ўтказиш учун банкка топширилади.

15. Қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа рўзгор буюмлари, нодир буюмлар, асл тасвирий санъат ҳамда хайкалтарошлик асарлари уч иш кунни мобайнида масъулиятли сақлаш учун банкка ёки депозитарийга топширилиши керак, муайян турдаги қимматликлар музейга ёки уларнинг сақланиш шароитларини таъминловчи бошқа ихтисослаштирилган муассасага топширилиши лозимлиги тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

16. Почта маркалари, шу жумладан коллекция почта маркалари сақлаш учун почта алоқа ташкилотларига топширилади.

17. Тез бузиладиган, шу жумладан сақлаш муддати 72 соатгачани ташкил қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек яроқлилиқ муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарлар олиб қўйилиб, истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилигини аниқлаш учун ўтказилган экспертиза хулосаси олинган ва баҳоланган вақтдан бошлаб бир сутка давомида реализация қилиш учун топширилади. Бунда тез бузиладиган товарларни экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш бир кун муддатда амалга оширилади.

18. Суд ижрочиси томонидан ижро хатти-ҳаракатларини амалга оширишда қарздорда қурол-яроғлар, ўқ-дорилар, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва радиоактив материаллар борлиги аниқланган тақдирда дарҳол тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилини ушбу ҳолат юзасидан қарор қабул қилиш учун чақиради ва у етиб келгунга қадар бундай мол-мулкнинг қўриқланишини таъминлайди.

19. Сақловчининг жавобгарлиги:

мол-мулк реализация қилинган ҳолларда;

кўчмас мулк ва автотототранспорт воситалари реализация қилинганда — мол-мулкни қабул қилиб харидорга топширгандан кейин;

мол-мулк белгиланган тартибда эгасига қайтарилган ҳолларда;
қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тугатилади.

III. Сақлаш тартиби ва шартлари

20. Суд ижрочиси мол-мулкни сақлашга топширишда мол-мулкни тасарруф этишни тақиқлаш ва мазкур мол-мулкдан фойдаланиш юзасидан муайян чеклашларни белгилаш йўли билан сақлашнинг махсус режимини белгилайди.

21. Суд ижрочиси хатланган мол-мулкни сақлаш учун қайси сақловчига топширган бўлса, ўша сақловчи суд ижрочисининг ёзма равишдаги розилигисиз ушбу мол-мулкдан фойдаланиши мумкин эмас. Банкка ёки депозитарийга масъулиятли сақлаш учун топширилган мол-мулк бўйича, шунингдек мол-мулкнинг хоссаларига кўра, ундан фойдаланиш унинг йўқ бўлиб кетишига ёки қиммати пасайишига олиб келган тақдирда, суд ижрочиси бундай розиликни беришга ҳақли эмас. Агар мазкур мол-мулкдан фойдаланиш унинг сақланишини таъминлаш учун зарур бўлса, суд ижрочисининг розилиги талаб этилмайди.

22. Хатланган ва олиб қўйилган мол-мулкни уни бузилишига ва (ёки) кейинчалик сотиб бўлмайдиган аҳволга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатда сақлашга қўйиш тақиқланади. Бу ҳолда суд ижрочиси мол-мулкни зарур ҳолатда сақлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўради.

23. Суд ижрочиси хатланган ва сақлашга топширилган мол-мулкни ленталардан, шу жумладан ўзи ёпишувчи ленталардан фойдаланиб, қулфларни алмаштириб ва бошқа усуллар билан муҳрлаб қўйиш йўли билан бошқа шахслар томонидан фойдаланишни ва бошқача тарзда у билан муносабатда бўлишни чеклаб қўйилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўришга ҳақли. Мол-мулкка унинг хатлашда турганлигини билдирувчи махсус маълумотлар, шунингдек фарқловчи белгилар қўйилишига йўл қўйилади.

24. Зарур ҳолларда суд ижрочиси хона ва омборларни, шу жумладан уларга хатланган мол-мулк сақлаш учун жойлаштирилганда ёки суд ижрочиси томонидан мазкур хоналар ва омборлардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда муҳрлаб қўйишга ҳақли. Хона ва омборларни муҳрлаб қўйиш тўғрисида ёки улардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилишда суд ижрочиси қарздорнинг ёки бошқа шахснинг ушбу хонадаги ва хатланмаган бошқа мол-мулкдан фойдаланиш имкониятини ҳисобга олади.

Суд ижрочиси ва бошқа шахслар хатланган мол-мулкка сақловчи иштирокида йўл қўйилиши мумкин. Хатланган мол-мулкка нисбатан ижро хатти-ҳаракатларини амалга ошириш пайтида, шу жумладан мол-мулкни кўздан кечириш, танишиш, баҳолаш ва олиб қўйиш вақтида сақловчининг иштирок этиши мумкин бўлмаган тақдирда мол-мулкка ва хонани очишга суд ижрочисининг ва икки нафар гувоҳнинг иштирокида рухсат этилади, бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади.

IV. Сақлаш учун ҳақ тўлаш тартиби

25. Сақловчи, агар қарздор унинг ўзи ёки унинг оила аъзолари (қарздор юридик шахс бўлса, — унинг ходими) бўлмаса, сақлаганлиги учун тегишли ҳақ олади. Сақловчининг мол-мулкни сақлаш учун қилган зарур харажатлари ҳам мазкур мол-мулкдан фойдаланиш орқали амалда олган фойдаси чегириб ташланган ҳолда қопланади.

Ижро хатти-ҳаракатларини амалга ошириш бўйича хатланган ва қарздордан олиб қўйилган мол-мулкни сақлаш харажатлари, шунингдек уларни ташкил этиш учун сарфланган маблағлар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 77-моддасида белгиланган тартибда қопланади.

26. Ушбу Низомнинг 25-бандида назарда тутилган харажатлар ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши шарт.

27. Бюджет ташкилотларидан пул маблағларини ундириш ва алиментларни, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказганлик натижасида, боқувчининг вафоти натижасида етказилган зарарларни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича хатланган автотранспорт воситаларини ваколатли органларнинг ва ДЙХХХ органларининг тўхташ жойларида, омборларида ва жарима майдончаларида сақлаганлик учун тўлов ундирилмайди.

V. Яқуний қоидалар

28. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

29. Ушбу Низомни қўлланиш бўйича пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**237 Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикада-
ги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1046-сон қарорининг ижросини таъминлаш, республикадаги қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий-бадий қиёфасини янада яхшилаш, қишлоқларда анъанавий ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, маданий-маиший ва ижтимоий объектлар қурилиши соҳасидаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасида амалга ошириладиган ибратли ишларни муносиб баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мамлакатимизда қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови 2009 йилнинг ноябрь ойида ўтказилсин.

Танловнинг асосий ташкилотчилари этиб, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги белгилансин.

2. Республика танлови ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага*, Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

танловнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

танловнинг барча босқичлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва жойлардаги маҳаллий ҳокимликларга тегишли амалий ёрдам кўрсатиш;

танловнинг якуний босқичининг юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш;

танлов Низомига қўра, ғолибларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

жойларда танловнинг саралаш босқичларини ташкил этиш бўйича тегишли ҳоким ўринбосарлари раҳбарлигида Ишчи гуруҳларни тузсин ва уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратсин;

ишчи гуруҳ томонидан танловнинг саралаш босқичлари натижаларини умумлаштириш, Низом талабларига мувофиқ танловга тавсия этиладиган қишлоқ аҳоли пунктлари ва уларни комплекс ривожлантириш ва фаровонлигини таъминлаш борасида вилоят миқёсида амалга ошириладиган ишларга оид ҳужжатларни Ташкилий қўмитага ўз вақтида тақдим этилишини таъминласин;

* 1-илова берилмайди.

туман, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят саралаш босқичлари ғолиб ва иштирокчиларини маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобига муносиб рағбатлантириш чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ғолибларни мукофотлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан;

танловнинг туманлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар саралаш босқичига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, ғолибларни мукофотлаш, вилоят саралаш босқичи ғолибларининг республика босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджет доирасида ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 май,
135-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 13 майдаги 135-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида «Республикадаги
энг яхши қишлоқ» танловини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасида ташкил этиладиган «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловини (кейинги ўринларда «Танлов» деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва улардаги қишлоқ аҳоли пунктлари танловнинг иштирокчилари ҳисобланади.

3. Ташкилий қўмита томонидан танлов ғолибларини аниқлаш бўйича тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда соҳа мутахассисларидан иборат таркибда «Ўздавархитектқурилиш» қўмитаси қошида ҳакамлар ҳайъати тузилади.

II. Танловнинг асосий мақсад ва вазифалари

4. Танловнинг асосий мақсади қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда қишлоқлар тараққиётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини ўрганиш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги мавжуд тажрибаларни оммалаштиришдан иборатдир.

5. Республикадаги қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий-бадий қиёфасини яхшилаш, муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш, анъанавий ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, маданий-маиший ва ижтимоий объектлар қурилиши, ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг оммага етказиш, бу борадаги ташкилий-амалий ва тарғибот ишларни янада кучайтириш ва тизимли ташкил этиш мазкур танловнинг вазифасидир.

III. Танловни ташкил этиш тартиби ва шартлари

6. Танлов туман, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят саралаш ва якуний Республика босқичидан иборат бўлади.

7. Танловнинг саралаш босқичлари қуйидаги йўналишлар бўйича барча туманларда 2009 йилнинг 30 июлига қадар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2009 йилнинг 30 сентябрига қадар ўтказилади:

«Тумандаги энг яхши қишлоқ»;

«Вилоятдаги энг яхши қишлоқ».

8. Танловнинг саралаш босқичларини ўтказиш бўйича туманларда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Ишчи гуруҳлар тузилади.

9. Туман ишчи гуруҳи томонидан саралаш босқичи натижалари умумлаштирилиб, 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар саралаш босқичларига тавсия этилади.

Ғолиблар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда ҳомийлар томонидан моддий рағбатлантирилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ишчи гуруҳи туман саралаш босқичларида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар натижаларини умумлаштириб, 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган иштирокчиларни якуний босқич — «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловига тавсия этади.

Ғолиблар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда ҳомийлар томонидан моддий рағбатлантирилади.

11. Барча босқичларда иштирокчилар қуйидаги мезонлар асосида, 100 балли тизимда баҳоланади:

қишлоқ аҳоли пунктларини намунали сақлаш ҳамда бунёдкорлик борасидаги ишларнинг ҳомийларни ва аҳоли кенг қатламини жалб этган ҳолда, режали тарзда ташкил этилганлиги учун — 20 баллгача;

қишлоқ аҳоли пунктининг меъморий-бадий қиёфаси ҳолатига — 20 баллгача;

ижтимоий, маиший ҳамда муҳандислик инфратузилмалари билан таъминланганлиги даражасига — 15 баллгача;

Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқ аҳоли пунктида замонавий биноларни қуриш бўйича тайёрланган энг яхши лойиҳалар учун — 15 баллгача;

қишлоқ аҳоли пунктида транспорт ҳамда пиёдалар учун мўлжалланган йўллар ва йўлакларнинг оқилона ташкил этилганлиги даражасига — 15 баллгача;

амалга оширилган ободонлаштириш ишларининг (аҳоли турар жойларида, барча муассаса, ташкилот ва жамоатчилик жойларида санитария-гигиена талабларининг бажарилиши) сифати даражасига — 15 баллгача.

12. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги мазмунда ва шаклларда тақдим этилиши лозим:

қишлоқ аҳоли пунктининг умумий кўриниши, унга автомобиль йўли орқали асосий кириб келадиган жой, маъмурий марказ, ижтимоий (тиббиёт, таълим муассасалари ва бошқ.), маданий-маиший ва савдо объектлари жойлашган ҳудудлар, аҳоли турар жойлари, умумий фойдаланишдаги дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари, мавжуд тарихий ва маданий ёдгорликлари, спорт иншоотлари, сув ҳавзалари, ирригация тизимлари, маиший чиқиндиларни йиғиш жойи, муҳандислик коммуникациялари тармоқлари (ичимлик сув, оқова сувлар ва табиий газ тармоқлари, кўча ёриткичлари билан бирга электр тизимлари), майдонлар ва кўчалар тасвирланган 10 дақиқалик видеоларва, 15 x 20 (см) ўлчамдаги фотосуратлардан иборат фотоальбом;

қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси (мавжуд бўлганда) ва ушбу аҳоли пунктида қурилиши режалаштирилган объектларнинг 1 x 1 (м) ёки 1 x 2 (м) ўлчамли планшет ва подрамникларга жойлаштирилган лойиҳалари, мавжуд макетлари ҳамда уларга берилган изоҳлар;

қишлоқ ва ҳудуднинг номи, жойлашган манзили, қишлоқ аҳолисининг демографик ва меҳнат ресурсларининг бандлиги ҳолатини акс эттирадиган А-4 форматли ёзув қоғозидаги тушунтириш хати.

Тақдим этиладиган материаллар (матн ва жадвал шаклидаги маълумотлар, фотосуратлар ва ҳоказо) аниқ ва тушунарли тарзда акс эттирилиши, 1 x 1 (м) ёки 1 x 2 (м) ўлчамли планшет ва подрамникларга жойлаштирилган бўлиши ҳамда уларнинг ҳар бирига қишлоқ ва ҳудуднинг номи, жойлашган манзили кўрсатилиши лозим.

13. Танлов иштирокчилари тўғрисидаги ҳужжатлар 2009 йил октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ташкилий қўмитага тақдим этилиши зарур.

Белгиланган муддатлардан кечиктириб топширган иштирокчиларнинг ҳужжатлари қабул қилинмайди.

14. Танловнинг якуний — Республика босқичи Тошкент шаҳрида 2009 йилнинг ноябрь ойида ўтказилади.

IV. Танлов мукофотлари ва ғолибларни тақдирлаш

15. Танловнинг республика босқичи ғолиблари Ташкилий қўмитанинг махсус дипломи, қимматбаҳо соврин ҳамда пул мукофотлари билан, иккита номинация бўйича (1 та қишлоқ, 1 та вилоят) ғолиблар пул мукофоти билан тақдирланади. Иштирокчиларга диплом ва ҳомийлар томонидан таъсис этиладиган бошқа қимматбаҳо совғалар берилади.

16. Ғолибларга эгаллаган ўрнига мос ҳолда қуйидаги совринлар ва пул мукофоти топширилади:

1-ўринга — «Нексия» автомобили;

2-ўринга — «Дамас» автомобили;

3-ўринга — 7 миллион сўм.

Шунингдек:

«Энг обод қишлоқ» номинацияси бўйича ғолиб қишлоққа — 4 миллион сўм;

«Энг кўп кўркам қишлоғи бор вилоят» номинацияси бўйича ғолиб вилоятга — 4 миллион сўм.

17. Ғолибларнинг махсус дипломлари ва иштирокчилар дипломлари Ташкилий қўмита раиси томонидан имзоланади.

18. Совринли ўринлар ҳамда номинациялар бўйича дипломлар, совринлар, белгиланган пул мукофотлари ва совғалар танлов ғолиблари деб топилган тегишли қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларига Ташкилий қўмита раиси томонидан тантанали равишда топширилади.

Тегишли қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари дипломларни сақлаш, совринлар, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалардан белгиланган тартибда мақсадли фойдаланилиши учун масъулдирлар.

19. Танловлар натижаларини эълон қилиш ҳамда ғолибларни тақдирлаш барча Танловлар иштирокчилари, ҳайъат аъзолари, ижодий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф қилинган ҳолда амалга оширилади.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари матбуотда эълон қилинади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

**238 Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари
учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқ-
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951*

(2009 йил 16 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-
даги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир
қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш
Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами,
2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни
муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 апрель,
13-1/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 3 апрелдаги 13-1/Б-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги каноп-жут ишлаб чиқариши корхоналарига (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Ушбу Қоидалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, Давлат стандартлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг хавфсизлик техникаси бўйича хизмати (муҳандиси) зиммасига юклатилади.

4. Каноп-жут ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

6. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги Намунавий низомга мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.
Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:
иш жойларининг аҳволи;
меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;
меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга ошириш-
га доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чи-
қилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфла-
ниши.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғриси-
да»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ор-
тиқни ташкил қилувчи корхоналарда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар
орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ишловчилар
сони 50 дан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш функция-
ларини бажариш корхона раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига корхонада меҳнатни
муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларни мувофиқ-
лаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш киради.

8. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқ-
ланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш,
санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган жамоавий
шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттеста-
ция қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;
меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва
билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини
юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-
техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-
номалари.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг
асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандиси-
га бўйсунди ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда тугатилади.

10. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган
бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юри-
тиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июн-
даги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз
ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини тек-

шириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

11. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимлари синовдан ўтказилиши лозим.

12. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

13. Корхоналарда зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки уларни бартараф этиш учун жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим.

14. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёردа сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик электр, ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

15. Каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари «Пахта тозалаш ва каноп-жут ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари»га (2009 йил 18 март, рўйхат рақами 1925 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 138-модда) мувофиқ якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

16. Якка тартибдаги ҳимоя воситалари қуйидаги турларга бўлинади:

махсус кийим-кечак;

махсус пойабзал;

махсус бош кийими;

нафас аъзоларининг ҳимоя воситалари;

қўлни ҳимоялаш воситалари;

бош учун химоя воситалари;
юзни химоялаш воситалари;
эшитиш аъзоларини химоя қилиш воситалари;
кўзни химоя қилиш воситалари.

17. Корхона маъмурияти ходимларни белгиланган меъёрларга мувофиқ, керакли якка тартибдаги химоя воситалари билан таъминлаши, улардан фойдаланиш муддатларига ҳамда сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарурий шартларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда якка тартибдаги химоя воситаларини бериш ҳисобини юритиши шарт.

4-§. Касбий танлов

18. Корхоналарда касбига кўра танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

19. Корхона мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига, канош-жунт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни унга қўйилган талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

20. Босим остида ишловчи ускуналар ва хавфи юқори бўлган бошқа ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

21. Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

22. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

23. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

5-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

24. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

25. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) асосида амалга оширилиши лозим.

Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

26. Тиббий кўриклар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поли-

клиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.

Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

27. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

28. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда, корхона маъмурияти ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

6-§. Санитария ва гигиена талаблари

29. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари қуйидаги санитария қоидаларига мувофиқ сақланиши лозим:

иш зонасида ҳаводаги зарарли моддаларнинг миқдори ГОСТ 12.1.005-2000 ССБТ «Иш зонасидаги ҳаво. Умумий санитария-гигиена талаблари»га биноан рухсат этилган энг кўп тўйинганлик даражасидан ошмаслиги;

ишлаб чиқариш хоналарида рухсат этилган ҳарорат, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси, йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

ишлаб чиқариш хоналарида шовқин ва тебранма даражаси ГОСТ 12.1.003-89 ССБТ «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари», ГОСТ 12.1.012-90 ССБТ «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари» талабларида белгиланган миқдордан ошмаслиги;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший хоналарнинг, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик. Лойиҳалаштириш меъёрлари»га жавоб бериши ҳамда меҳнат шaroитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши;

хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга ва синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши;

электр токининг одамга таъсир этишини олдини олиш бўйича хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.1.019-86 ССБТ «Электр хавфсизлик. Умумий талаблар»га жавоб бериши;

статик электрдан ҳимоя қилиш тадбирлари ГОСТ 12.1.18-93 ССБТ «Статик электр. Учқун хавфсизлиги. Умумий талаблар»га мувофиқ амалга оширилиши керак.

7-§. Ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарига қўйиладиган талаблар

30. Корхоналарни ишлаб чиқариш биноларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҚМҚ 3.01.02-00 «Қурилишда хавфсизлик техникаси» қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

31. Корхонанинг барча ҳудуди тоза сақланиши лозим. Йўллар, ўтиш йўллари ва бинолар, қурилмалар ҳамда иншоотлар орасидаги ҳудудларда материалларни сақлаш, уларга ускуналар ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини тахлаб қўйиш ман этилади.

32. Корхона ҳудудида чекишга фақат махсус ажратилган, «Саноат корхоналарида ёнғин хавфсизлиги бўйича намунавий қоидалар» ШМҚ 2.01.02-04 га мувофиқ жиҳозланган жойларда рухсат этилади.

33. Ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналар автоматик равишда ёнғинни ўчириш воситалари ва автоматик ёнғиндан хабар берувчи сигнализация билан жиҳозланган бўлиши лозим.

34. Корхона маъмурияти бинолар ва иншоотларни сақлаш, уларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш устидан доимий назоратни амалга ошириши шарт.

35. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво оқимини бошқарувчи ускуналар ва ҳарорат, намлик, тозаланиш самарадорлиги ва филтрларда босим ўзгаришини ўлчаш мосламалари билан жиҳозланган вентиляция тизими мавжуд бўлиши лозим.

8-§. Маиший хоналарга қўйиладиган талаблар

36. Корхоналарда «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» ҚМҚ 2.09.12-98 талаблари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар қурилиши лозим.

Маиший ва қўшимча биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

37. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу каби қурилмаларнинг сони, сменадаги энг кўп ходимлар сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

38. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

39. Ювиниш хоналарида электр қуритгичлар, кўзгу, кийим илгичлар, совун учун идишлар, шунингдек энг кўп ходимлар ишловчи сменада 40 кишига битта қурилма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қўлни хлорли эритмада ювиш мосламаси кўзда тутилиши лозим.

40. Махсус кийимни ювиш учун корхоналарда кир ювиш хоналари назарда тутилган бўлиши лозим. Кир ювиш хоналарининг таркиби ва майдо-

ни аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини лойиҳалаштириш бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидаларига биноан белгиланиши лозим.

41. Гардероблар кўча ва иш кийимларини сақлаш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

9-§. Сув таъминоти ва канализацияга бўлган талаблар

42. Ташқи сув таъминоти ва канализация тармоқларининг жойлашиши «Саноат корхоналарининг бош лойиҳаси» ҚМҚ ва саноат корхоналарини лойиҳалаш санитария меъёрларига мос бўлиши керак.

43. Ишчиларни ичимлик сув билан таъминлашни «Саноат корхоналарининг ёрдамчи бинолари ва хоналари» ҚМҚ талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

44. Агар ичимлик сувининг сифати хавфсизликни таъминлай олмаса, махсус хона ажратилиб, унда қайнатиб совутилган сув ёки иссиқ чой сифатида тарқатилади.

45. Ичимлик сув сақланадиган идишлар зангламайдиган ва енгил тозаланадиган ва дезинфекцияланувчи материаллардан ҳамда зичлаб беркитиладиган бўлиши лозим.

46. Ичишга тарқатиладиган сувнинг ҳарорати 20°Сдан кўп ва 8°С дан кам бўлмаслиги ва қайнатилган сув ҳар сменада камида бир марта янгилашиб турилиши керак.

10-§. Иш жойлари ва хоналарни ёритишга бўлган талаблар

47. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарнинг табиий ёритилиши «Табиий ёритиш. Лойиҳалаш меъёрлари» ҚМҚ талабларига мос бўлиши керак.

48. Ёритиш ускуналарини ўрнатишда қандилларнинг турлари, лампаларнинг қуввати ва уларнинг жойлашиши тасдиқланган лойиҳага мос бўлиши керак.

49. Бир текис тақсимланган умумий ёруғлик қандиллари машиналар гуруҳи орасидаги йўлакларда, полдан 4,5-6 м. баландликда, локаллашган умумий ёруғлик қандиллари эса иш камералари тарафидан дастгоҳларни бошқариш баландлигида ва оператор тарафидаги майдончадан 2-2,5 м. баландликда жойлаштирилади.

50. Ишлаб чиқариш цехлари, хом ашё омборлари ва юк тушириш-ортиш майдонлари қўшимча равишда кўчма ёритиш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

51. Ишлаб чиқариш лабораториясида ёритишнинг комбинациялашган (умумий ва маҳаллий) ёки локаллашган системасини қўллаш керак.

52. Корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш цехларига, лабораторияларига, тарозихоналарига люминесцент лампалар қўйилиши керак. Бунда асосий технологик цехларда оқ ранг берувчи (ЛБ) лампалар, лаборатория ва тарозихоналарда ЛДЦ-1 ва ЛД турдаги лампалар ишлатилади.

53. Енгил алангаланувчи ва ёнувчан суюқликлар омборида, ҳамда аккумуляторларни зарядлаш хоналарида фақат портлашдан ҳимояланган қандиллар ишлатилади.

54. Барча ишлаб чиқариш цехларида табиий ёруғлик максимал қўлла-ниши керак.

55. Қандилларни, ойналарни, фонар ва шунга ўхшашларни мунтазам равишда ҳар ойда бир марта ювувчи моддалар билан тозалаб турилади. Куйган лампаларни алмаштириш, бу ишларни бажаришда хавфсизликни таъминловчи ускуна ва мосламалар ёрдамида бажарилади.

56. Қандилларни ўрнатиш ва тозалаш, лампаларни алмаштириш ҳамда электр тармоқларини созлаш ишлари электр токи ўчириб қўйилган ҳолда ва бу ишларни бажаришга рухсати бор шахс томонидан бажарилиши керак.

57. Куйган лампаларни ёритиш ускуналарининг лойиҳасида кўрсатилган мос қувватли лампа билан алмаштириш керак.

58. Ёритиш ускуналарини тўғри ишлатиш ва техник ҳолатини назорат қилиш завод бўйича буйруқ билан тайинланган ва техник тайёргарлиги етарли бўлган шахсга топширилади.

III. Ишлаб чиқариш (технология) жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Хом ашё тайёрлашда хавфсизлик талаблари

59. Лента ҳаракатланадиган роликларни фақат транспортёр тўхтаганда мойлаш мумкин.

60. Тўсиқлари ечилган ҳолатда транспортёрни юргизишга йўл қўйилмайди.

61. Транспортёрни юргизишдан олдин огоҳлантириш сигнали чалиниши керак.

62. Хом ашёни тайёрлаш ва ҳўллаш цехларида ички ўтиш жойларининг кенглиги аравача ва одамларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун етарли кенгликда бўлиши керак.

64. Ишнинг хавфсизлигини таъминлаш учун аравачаларнинг тормоз ва товушли сигналлари ҳолатини доимо кузатиб бориш ва носозликларни ўз вақтида тузатиб туриш лозим.

2-§. Каноппи қуришда хавфсизлик талаблари

65. Буғли қуритгичлардан фойдаланилганда ишчи зонасидаги барча буғ қувурларини шлактола билан ўраш ва йўл қўйиладиган энг юқори босимга мўлжалланган манометр, беркитувчи вентил ва сақловчи клапанлар ҳамда конденсат чиқариб турувчи кран билан таъминлаш зарур.

66. Қуритгич ишлатилганда камерадаги ҳаво ҳарорати меъёрдан ошиб

кетмаслиги керак. Ўрнатилган даражадан ҳарорат ошиб кетганда (иссиқлик сигнали пайдо бўлганда) ўтхонадаги иссиқ газ жўнатишни дарҳол тўхтатиш керак.

67. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қуритгич ўт ўчириш жиҳозлари билан таъминланган бўлиши лозим.

3-§. Хом ашёга механик ишлов беришда хавфсизлик талаблари

68. Ўраш барабанларининг кичик ён томонидаги кириш тирқишларини тозалаш ва йиғилиб қолган тола ҳамда ўзақларни олиб ташлаш фақат машина тўлиқ тўхтагандан сўнг рухсат этилади.

69. Смена мастери ҳар сменада камида 2-3 марта, ҳамда бош муҳандис ва бош механик ҳар суткада камида 1 марта машинани ва айниқса унинг силкитиш қисмини кўздан кечириб туришлари керак.

70. Камера ёки қутилардаги эшикчалар толанинг ички босимидан очилиб кетмаслиги учун ишончли илгаклар бўлиши керак. Уларнинг ишончлилиги иш бошланишидан олдин текширилиши зарур.

71. Нафас олиш органлари ва кўзларни ҳимоя қилиш учун пресс ёнида Ф-146 респиратор ва чангга қарши кўзойнақда ишлаш керак.

72. Узун ва қисқа толани навларга ажратиш цехида чангни йўқотиш учун чанг ютгичлар қисқа тола навларга ажратиладиган, узун тола ажратилган стол ва пресслаш қутисини юклаш жойида ўрнатилади.

73. Цех ичига етарлича тоза ҳаво етказиш учун, чиқариб ташлаш зонасини ҳаво олинандиган жойдан камида 5-8 м. баландда жойлаштириш зарур.

4-§. Шовқин ва титрашга қўйиладиган талаблар

74. Иш жойларида шовқин белгиланган меъёрлардан юқори бўлганда уни камайтириш учун қуйидаги тадбирлар қўлланилади:

а) деталларнинг зарбали ҳаракатларини зарбасиз ҳаракатларга, илгарилама-қайтма ҳаракатларни айланма ҳаракатларга ўзгартириш;

б) шовқин чиқарувчи агрегат ёки унинг айрим қисмларига изоляцияловчи қобиклар ўрнатиш;

в) агрегатдан чиқаётган аэродинамик шовқинларга қарши самарали товуш сўндиргичлар қўллаш;

г) шовқинли ускуналарни (вентилятор, компрессор) изоляцияланган хоналарда ёки цехдан ташқарида жойлаштириш;

д) ишчилар дам олиши учун шовқиндан изоляцияланган хоналар ташкил қилиш;

75. Ишлаб чиқариш хоналарида шовқинни техник воситалар билан бар-тараф этишнинг иложи бўлмаса, унда шовқиндан шахсий ҳимояланиш воситалари ёрдамида сақланиш керак.

5-§. Ёнгин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

76. Ишлаб чиқаришда қўлланилмаган ёнгин ва портлаш хавфи ва токсик хусусиятларига эга бўлган моддалар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш тақиқланади.

77. Технологик объектларда портлаш хавфлилиги ҳолати юзасидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилиши лозим.

78. Технологик жараёнлар жойлаштирилган бинолар ва хоналарнинг портлаш жихатидан хавфлилик тоифалари лойиҳа ташкилоти томонидан ТЛТМ 24-86 «Технологик лойиҳалаштириш тармоқ меъёрлари»га мувофиқ ҳар бир аниқ ҳолат учун алоҳида аниқланиши керак.

79. Технологик жараёнларни амалга оширишда ёнгинлар, портлашлар, авариялар, захарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит ишлаб чиқариш чиқиндилари (оқова сувлари, вентиляция чиқиндилари ва шу каби) билан ифлосланиш эҳтимолини истисно этадиган шарт-шароитлар таъминланиши лозим.

80. Барча ишлаб чиқариш цехлари, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари, маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнгинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

81. Вентиляция тизими ёнгиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши лозим.

6-§. Омборларга ва юк ортиш-тушириш майдончаларига қўйиладиган талаблар

82. Корхона ҳудудига келадиган материаллар ва ускуналар учун шу мақсадга ажратилган ва тайёрланган махсус омборлар ва юк ортиш-тушириш майдончалари бўлиши ва уларнинг тузилиши ва жойлашиши «Умумий мақсадлар учун омбор бинолари ва иншоотлари» ҚМҚ талабларига мос бўлиши керак.

83. Омборларда материалларни тахлаш усуллари ёритилган меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнгин профилактикаси бўйича йўриқномалар кўринарли жойга осиб қўйилади. Бу йўриқномада ушбу омборда қандай материаллар, қанча миқдорда, қандай идишда сақланиши мумкинлиги кўрсатилади. Кўринарли жойларга юкларни жойлаш ва ортиш схемаси осиб қўйилади.

84. Каноп толаси тойини, тола чиқиндиларини, қурилиш материаллари, тойларнинг тасмалари, ўраш материаллари ва бошқа материалларни алоҳида омборларда сақлашни ташкил этиш керак.

85. Корхоналардаги юк ортиш-тушириш эстакадалари, майдончалари, платформа поллари, вагон поли ёки автомобиль кузови текислиги билан баробар бўлиши керак.

86. Юк ортиш майдончаси периметри бўйича (бундан юк ташиш транспорти йўли мустасно) баландлиги 30 см. ли мустаҳкам ҳимояловчи тўсиқ билан тўсилади.

87. Кальций карбиди захираси курук, яхши шамоллатиладиган, ёнмайдиган ва ташқаридан ёритиладиган хоналарда сақланиши керак.

88. Кальций карбидини ертўлаларда сақлаш тақиқланади.

89. Битта омборда кальций карбиди барабанлари билан бирга, сиқилган газ тўлдирилган баллонлар ҳамда кислородли баллонлар ва ёнувчи газлар сақланиши тақиқланади.

90. Кислота алоҳида хонада сақланиши керак. У хонада фақат дистилланган сув бўлиши мумкин.

7-§. Юкларни кўтариш ва туширишда хавфсизлик талаблари

91. Қўлда кўтариш ва ташишда белгиланган меъёрларидан ортиқ юкларни кўтариш ва ташиш ишлари механизациялаштирилиши керак.

92. Барча механизм ва юк кўтариш ускуналари «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган «Юк кўтариш кранларини хавфсиз ишлатиш Қоидалари»га мос бўлиши керак.

93. Юкни илувчилар иши, шу ишларни хавфсиз бажариш йўриқномасига биноан бажарилиши керак.

94. Каноп тойлари, боғлам ва шу каби нарсаларни электротельфер билан кўтаришда илгакни кўтариш чегаралагичи бўлиши керак.

95. Электротельфер илгакига тойларни тушиб кетишининг олдини олувчи химоя қурилмаларини ўрнатиш лозим.

96. Юкларни кўтариш ва ташиш вақтида тугун ва сиртмоқларни тўғрилаш ва сирпаниб кетган арконни тўғрилаш тақиқланади.

97. Юк кўтариш ускунасига кўтариши мумкин бўлган юкнинг оғирлиги, ўтказилган синовнинг вақти ва келгуси синов вақти ёзиб қўйилади.

98. Транспорт воситалари ўлчамлари ва конструкцияси, ташиладиган юкнинг ўлчамига мос бўлиши керак.

8-§. Чилангарлик ишларига қўйиладиган талаблар

99. Чилангарлик ишларининг барча асбоблари фақат соз ҳолда ишлатилиши керак. Цехда чилангарлик асбобларини сақлаш, топшириш ва қабул қилиб олишнинг қаттиқ назорати ва тартиби ўрнатилиши керак.

100. Цех маъмурияти чилангарларга берилаётган асбобларнинг сифатини ҳар куни, иш жойларидаги ва омборлардаги барча асбобларнинг сифатини эса камида бир ойда бир марта текшириб туриши керак. Текшириш вақтида аниқланган носоз асбоблар йиғиб олиниб, алоҳида сақланади.

101. Эговларнинг ва металл арраловчи қўл арраларнинг дастаклари асбобнинг ўлчамларига мос бўлиши ва маҳкам ушлаб турувчи ҳалқалари бўлиши керак.

9-§. Электр пайвандлаш ишларига қўйиладиган талаблар

102. Электр пайвандлаш ускуналарининг ток остида бўлмаган металл қисмлари (трансформаторлар, генераторлар қобиқлари) ҳамда пайвандланаётган конструкциялар ва буюмлар ерга уланиши керак.

103. Электр пайвандлаш ишларини бошлашдан олдин симларнинг ва электр двигателларининг изоляцияларини ҳамда барча контактларнинг қаттиқ бириктирилганлигини текшириш зарур.

104. Симларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказишда уларнинг изоляция қобиқлари шикастланишига, пўлат симларга, ацетилен аппаратлари ичакларига, газ аппаратларига ва иссиқ қувурларга тегиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

105. Электр пайвандлаш агрегат ва аппаратларини токка улаш ёпиқ рубильниклар орқали амалга оширилади. Кўчма пайвандлаш агрегатларида рубильник қопқоқлари блокировка қилинган бўлади.

106. Пайвандлаш агрегатларини токка улаш, узиб қўйиш ҳамда уларни созлаш ишларини фақат электр монтёрлари бажаришлари керак. Бу ишларни пайвандловчиларнинг бажариши тақиқланади.

107. Электр пайвандлаш аппарат ва агрегатларининг созлигини иш бошлашдан аввал текшириш керак.

108. Ерга уловчи сифатида биноларнинг металл конструкциялари, коммуникацияларнинг қувурлари ва технологик ускуналардан фойдаланиш мумкин эмас.

109. Тасодифан тегиб кетиши мумкин бўлган ток юрувчи қисмлар (электр симлари, рубильниклар, контактлар) пайвандловчини тоқдан ҳимоялаш мақсадида тўсиб қўйилади.

110. Очиқ электр ёйи билан ишлаганда электр пайвандловчининг юзи ва кўзини ҳимоялаш учун шлем-маска ёки ҳимояловчи ойнаси бўлган тўсиқ билан ишлаш керак.

111. Ёмғир ёғиб турганда ва момақалдироқ бўлаётганда электр пайвандлаш ишларини бажариш тақиқланади.

112. Пайвандлаш ишлари махсус ажратилган хоналарда, бошқа холларда эса электр пайвандлаш иш жойи бошқа иш жойларидан ёнмайдиган материалдан қилинган кўчма тўсиқ билан тўсилиши керак.

113. Босим остида турган аппарат ва идишларни пайвандлаш тақиқланади.

10-§. Газ билан пайвандлаш ва қирқиш ишларига қўйиладиган талаблар

114. Газ билан пайвандлаш ишларини бажаришда металлларни кислород, ацетилен ва газ билан ишлов бериш саноат санитарияси ва хавфсизлик техникаси Қоидаларига риоя қилиш керак.

115. Кўчма ацетилен генераторлари (кейинги ўринларда генераторлар

деб юритилади) очиқ ҳавода ёки бостирмалар тагида ишлатилиши керак. Генераторларни, зарур пайтларда, ҳар бир генератор учун ҳажми 300 м³ тўғри келган хоналарда ёки генератор бир хонада, пайвандлаш бошқа хонада бўлса 100 м³ ҳажмли хоналар ичида ҳам пайвандлашга рухсат этилади лекин иккала ҳолда ҳам хона яхши шамоллатиб турилиши керак.

116. Генераторларни компрессорларнинг ва вентиляторларнинг ҳаво сўрувчи жойлари яқинига энгил алангаланувчан моддалар ёки ацетилен билан бирикиб ўз-ўзидан портловчи модда ажралиб чиқадиган хоналарга киритиш мумкин эмас.

117. Генераторни қия ҳолатда ўрнатиш мумкин эмас.

118. Металларга газ алангаси билан ишлов бериладиган хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ҳар бир иш жойи учун, ускуналардан ва йўлақлардан ташқари камида 4 x 2 метр майдон ажратилиши, йўлақларнинг эни эса 1 метрдан кам бўлмаслиги керак;

металларга газ алангаси билан ишлов бериш ишларини ертўлаларда, иккинчи ва ундан юқори қаватларда бажариш тақиқланади;

газ билан пайвандлаш цехларининг поллари ёнмайдиган, иссиқлик ўтказмайдиган ва энгил тозаланадиган бўлиши керак.

119. Пайвандлаш ва газ билан қирқиш ишлари цехларни ичида махсус ажратилган ва махсус жиҳозланган жойларда ва хоналарда амалга оширилиши лозим.

120. Газ алангаси билан ишлов бериш жойларидан 5 метрдан яқинда жойлашган ёғоч деворлар, пардеворлар ва эшиклар асбест билан ёки наматни лойсувоқ қилиб, устидан тунука билан қопланиши керак.

121. Металларга газ алангаси билан ишлов бериш цехлари хоналари ҳаво сўрувчи вентиляция билан таъминланиши керак. Вентиляция ишланмаган ҳолларда газ билан пайвандлаш ишларини бажариш тақиқланади.

122. Газ билан пайвандловчининг доимий иш жойи, ишлов берилаётган маҳсулотни ўрнаштириш ва жойини алмаштириш учун махсус стол ёки мослама билан таъминланиши керак.

123. Доимий иш жойларида ўчирилган горелкаларни илиб қўйиш учун махсус илгак бўлиши керак.

124. Доимий иш жойининг поли бетон ёки асфальт бўлса ёғоч панжаралар билан тўсилиши керак.

125. Газ алангаси билан ишлашда иш жойи яхшилаб кўриб чиқилиши, ортиқча, ишга ҳалақит берувчи буюмлар энгил алангаланувчи суюқликлар олиб ташланиши керак.

126. Кальций карбидини қопқоғи яхши беркитиладиган, қуруқ идишларда, ўтга чидамли, энгил конструкцияли, яхши шамоллатиладиган, ташқи электр ёритгичли хоналарда сақланади. Уларни ертўлаларда сақлаш тақиқланади.

127. Баллонларни, махсус жиҳозланган алоҳида хоналарда, вертикал ҳолатда махсус уялари бор мосламаларда сақланади. Бўш баллонлар алоҳида сақланиши керак.

128. Карбид кальций солинган барабанларни учқун чиқармайдиган махсус асбоблар билан очиш керак.

129. Кўчма ацетилен аппаратларини ишлатиш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

кальций карбидини ҳўл яшик ва корзинкаларга солиш;

бир генератордан бир неча горелка орқали қирқиш ишларини бажариш;

карбидни ишлатиш бўйича йўриқномада кўрсатилганидан ортиқча солиш;

кислород ва ацетилен баллонларидан 10 метргача бўлган масофада чекиш, гугурт ёқиш ва очиқ аланга ишлатиш;

газни белгиланган миқдоридан ортиқча чиқариш;

ортиқча газни чиқариб юбориш мақсадида генератор қопқоғини очиш;

ацетилен генераторларини йўлларда, йўлакларда, зинапоя майдончаларида, ертўлаларда, қоронғу жойларда ва одамлар кўп тўпланадиган жойларга ўрнатиш;

манометрсиз, бузук манометрли ёки ишлатиш муддати тугаган манометрли редукторларни қўллаш;

иш тугагач, дам олиш пайтида ёки иш орасидаги қисқа танаффус пайтларида кислородли баллонларни ёки ацетилен генераторларини назоратсиз қолдириш.

130. Музлаган ацетилен генераторларини фақат мой аралашмаган буғ ёки иссиқ сув билан эритишга рухсат берилади. Кўчма генераторларни хоналарда иситишни очиқ аланга манбаидан ва ҳаво сўрувчи вентиляция мавжуд бўлган тақдирда камида 10 метр масофада бажарилиши лозим.

131. Генераторлардан чиқадиган ишлатиб бўлинган кальций карбиди балчиксимон қолдиғи, яхшилаб металл яшикларга йиғиб олиниши ва махсус жойларга олиб бориб ташланиши керак.

IV. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган умумий талаблар

132. Барча айланувчи ва ҳаракатланувчи қисмлар (валларнинг чиқиб турган учлари, ҳаракат узатувчи тасмалар) ишончли равишда тўсилган бўлишлари керак.

133. Тез-тез очиш керак бўладиган жойларга очиладиган тўсиқ ва қопқоқлар ўрнатилиши, улар машинанинг ҳаракат узатувчи қисмлари билан электр блокировка қилиниши лозим.

134. Тўсиқлар мустақкам, енгил, ишончли равишда маҳкамланган бўлиши ва қисиб қолувчи тирқишлари ва ўткир бурчаклари бўлмаслиги керак.

135. Оғирлиги 5 кг дан ортиқ бўлган тўсиқлар ушлаш учун қулай дастакларга эга бўлиши керак.

136. Ишлаб чиқариш ускуналарида тўсиқлар, химоя мосламалари ёки

чангли хавони сўрувчи мосламалар бўлмаса ёки носоз бўлса ишлатишга рухсат берилмайди.

137. Ишлаб чиқариш ускуналари иш давомида ўзидан чангли ҳаво чиқарса, зичлаб беркитилиши ва меъёрдаги иш шароитларини яратувчи чангли хавони сўрувчи мосламалар ўрнатилиши керак.

138. Икки, уч ва ундан ортиқ кишилар билан бошқариладиган машиналар, уни юргизиш ва тўхтатиш ҳақида икки томонлама сигнал билан таъминланиши керак.

139. Машина, механизм ва дастгоҳларнинг юргизиш тугмалари ўз-ўзидан юриб кетиш ҳолларидан мустасно бўлиши керак.

140. Ишлаб чиқариш ускуналарини ишлатиш фақат техник созланган ҳолатда ва заводлар технологик ускуналарининг хавфсизлик техникаси талабларига мос бўлгандагина рухсат этилади.

141. Янги ўрнатилган ёки капитал созлашдан чиққан ускуналарни хавфсизлик техникаси муҳандиси иштирокида далолатнома тузилгандан кейин ишлатишга рухсат берилади.

142. Тўсиқларнинг ва ҳимояловчи мосламаларнинг ҳамда асбобларнинг созлиги цех раҳбарияти томонидан мунтазам текшириб турилиши керак.

143. Машиналарга ўрнатилган чанг сўрувчи мосламалар сўрилган чангли хавони ва бошқа зарарли чиқиндиларни узлуксиз равишда контейнерларга ва бункерларга узатиши керак.

144. Чанг йиғиладиган бункерлар зич ёпилган бўлиши керак.

145. Очиладиган ва олинадиган тўсиқ, қобиқ ва эшикларнинг ички тарафи тўқ сариқ ёки тўқ қизил рангга бўялади.

146. Монтаж ва демонтаж вақтида қўлланадиган тагликлар ва кўтариш механизмлари иш бошлашдан аввал синаб кўрилади ва улар қўлланганда хавфсизлик талаблари таъминланиши керак.

147. Кўтарилган юк остида ишлаш тақиқланади.

148. Ишлаб турган цехларда монтаж ишлари олиб борилса, ҳам монтажчиларни, ҳам цех ишчиларининг хавфсизлигини таъминлаш кўзда тутилиши керак.

149. Ишлаб турган заводларда монтаж ва демонтаж ишларини олиб боришда очиқ аланга ҳамда учкун чиқарувчи турли механизм ва мосламалардан фойдаланиш тақиқланади.

2-§. Электр қурилмаларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

150. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида «Электр қурилмаларининг тузилиши Қоидалари», «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш Қоидалари» (2004 йил 9 июль, рўйхат рақами 1383), «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги Қоидалари» (2004 йил 20 август, рўйхат рақами 1400) талабларига риоя қилиниши керак.

151. Ҳар бир заводда маъмурият буйруғи билан энергия хизмати му-

ҳандис-техник ходимларидан, корхона электр ҳўжалиги умумий ҳолати учун жавобгар шахс тайинланади ва ундан «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги Қоидалари» ва мазкур Қоидалар талаблари бажарилишини таъминлаш талаб этилади.

Электр ускуналарига хизмат кўрсатувчи ходимга электр хавфсизлиги бўйича кучланиши 1000 V гача бўлган электр ускуналарга IV гуруҳ, электр хавфсизлиги бўйича кучланиши 1000 V ва ундан юқори кучланишга эга бўлган ускуналар бўйича V гуруҳ берилгандан кейин бажарадиган иш доираси белгилаб берилади.

3-§. Хом ашёни ортиш ва тушириш механизмларига талаблар

152. Корхоналарда механизация воситаларини ишлатишда «Электр ускуналари. Ишларни олиб бориш ва ташкил қилиш. Ишлатишга қабул қилиш» ҚМҚ талаблари асосида олиб борилиши керак.

153. Механизациялаш воситаларида ишлашга механизмларни ишлатиш бўйича махсус ўқишни тугатган ва ушбу касбда ишлаш ҳуқуқи бўйича гувоҳномаси бор шахслар қўйилади.

154. Механизация воситаларини уларнинг барча қисмлари, узел ва деталлари, ҳимояловчи ва огоҳлантирувчи воситалари соз бўлгандагина ишлатиш лозим.

155. Механизация воситаларини ток манбаи шкафига улаш ва ундан узиб қўйиш ишларини фақат навбатчи электр монтёри бажариши керак.

156. Тасмали транспортёрлардан ғарамлар устидаги одамларни тушириш ва чиқариш учун фойдаланиш тақиқланади.

157. Транспортёрни юргизишдан аввал хавfli зонада одамлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш, товуш ёки огоҳлантирувчи товуш чиқарувчи асбоблар билан сигнал бериш ва фақат шундан сўнг юргизувчи тугмани бошиш керак.

158. Транспортёр аравасининг ўз-ўзидан юриб кетмаслиги учун филдираклари тагига поналар қўйилади.

159. Транспортёрни созлаш ва тозалашдан аввал уни ўчириш ва огоҳлантирувчи белги осиб қўйиш керак.

160. Транспортёрнинг 1,5 метрдан баландда жойлашган механизмларини созлаш ва тозалашда нарвонлардан фойдаланиш керак.

161. Транспортёр тасмаси зўриқиб ишлаётганда унинг тезлигини ошириш тақиқланади.

162. Тасманинг бўш қисмида, роликлар бўйнида, ҳаракатга келтирувчи ва тарангловчи барабанларда ўралиб қолган толани транспортёр тўхтатилгандан сўнг илгак билан олиб ташланади.

163. Транспортёрни 20 метргача суришни қўлда бажаришга руҳсат этилади, 20 метрдан ортиқ жойга 5-6 км/с тезлик билан трактор ёки автомобиль ёрдамида олиб бориш керак. Бунда одамларнинг 10 метр яқинга келишлари, транспортёр остида туришлари тақиқланади.

4-§. Юк ортувчи машиналарга қўйиладиган талаблар

164. Аккумуляторли юк ортгичлар ва пневматик шинали электрокаралар текисланган, сув тўпланмайдиган ва қаттиқ юзали майдончаларда ишлашга мўлжалланган.

165. Юк ортгичлар харакати пайтида юкни кўтариш, тушириш тақиқланади.

166. Юк ортувчи машиналарнинг юк майдончаларида одамларни олиб юриш тақиқланади.

167. Юк ортувчи машиналарда ва автоюклагичларда ишлашга 18 ёшга тўлган, ҳайдаш ҳуқуқи берилган гувоҳномаси бор, тиббий кўриқдан ўтган, махсус ўқишни битирган ва билими текширилган шахслар қўйилади.

168. Юк ортгичларни ва электрокараларни созлаш ва техник назорат қилиши махсус жиҳозланган хоналарда бажарилиши керак.

5-§. Металларга совуқ ҳолатда ишлов бериш дастгоҳларига қўйиладиган талаблар

169. Заводларда металларга совуқ ҳолда ишлов бериш амалдаги саноат санитарияси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига мос ҳолда олиб борилиши керак.

170. Ишлов бериш вақтида, узлуксиз қиринди чиқарадиган металларни қирқаётганда махсус қирқувчи ёки қириндиларни майдаловчи мосламалар қўлланади. Синувчи қиринди чиқадиган металларга ишлов беришда, қириндиларни чиқариб турувчи мослама ишлатилади.

171. Дастгоҳларда маҳсулотни сайқаллаш, тозалаш ва ялтиратиш ишларини бажариш вақтида хавфсизликни таъминловчи махсус мосламалар қўлланиши керак. Бу мосламаларни қўллаш технологик ҳужжатларда кўрсатилиши керак.

172. Станок юриб турганда, қўлда сайқаллаш айниқса, мураккаб конфигурацияли деталларни сайқаллаш тақиқланади.

173. Горизонтал ва вертикал пармалаш дастгоҳларининг узатиш валлари тўсиқлар билан тўсилиши керак.

174. Дастгоҳлар ишлаётганда, ишлов берилаётган материалга тегиб турмаётган фрезаларнинг кесувчи қисмлари ишлатишга қулай бўлган тўсиқлар билан тўсилиши керак.

175. Горизонтал ва узунасига пармаловчи дастгоҳларда винтнинг чиқиб турган каллаги тўсилиши керак.

176. Дастгоҳ ишлаб турган пайтда детални алмаштириш ёки қотириш тақиқланади.

177. Пармалашдан чиққан қириндини фақат, дастгоҳ тўхтаганда ва асбоб узоқлаштирилгандан сўнг йиғиштириш мумкин.

178. Қириб силлиқловчи дастгоҳнинг узатиш механизми, ишчининг қўли ёки кийими тушиб қолишини олдини олувчи тўсиқ билан тўсилиши керак.

179. Дастгоҳлар қириндини чиқариш ва йиғиш мосламаси билан таъминланиши керак.

180. Бегона кишиларнинг қайчини юргизиб юборишини олдини олиш учун, улар электр двигателини ўчириб қўювчи мослама билан таъминланиши керак.

181. Металларни арралашга мўлжалланган диски арраларнинг иш юзалари очиқ бўлиши керак.

182. Прессларда махсулотни узатиш ва олишда ишловчининг қўлини шикастламаслик учун ҳимояловчи мослама қўлланиши керак.

183. Чархлаш дастгоҳларидан фойдаланиш, кўрикдан ўтказиш, асбобларни сақлаш, чарх доираларини мустаҳкамлигини синаш, ҳимоя воситалари, чарх доираларини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги чархлаш дастгоҳларида хавфсиз ишлаш йўриқномалари талабларига жавоб бериши керак.

184. Ҳар бир чарх тошини дастгоҳга ўрнатишдан олдин, уни бутунлай беркитувчи махсус қобиқли дастгоҳда синаб кўрилиши лозим.

185. Сайқалловчи дастгоҳлар, одамларни жароҳатламаслиги ва совутувчи суюқлик сачратмаслиги учун ён томонидан тўсиқ билан тўсилиши керак.

186. Сайқалловчи дастгоҳлар доираларни тўғрилаш учун махсус асбоб ва мосламалар билан таъминланиши керак. Тўғриловчи асбобни узатиш ишлари механизациялашган бўлиши керак.

187. Совутгичларсиз ишлайдиган, чархлаш дастгоҳлари чанг сўриш ускунаси билан таъминланиши керак.

188. Металларга ишлов берувчи дастгоҳлар атрофидаги пол текис ва сирпанмайдиган бўлиши керак. Пол цементланган бўлса устига ёғочдан ясалган панжара ташланиши керак.

189. Дастгоҳларга оғир ва кўпол (20 кг. дан ортиқ) деталларни ўрнатиш ва олиш ишлари механик мосламалар ёрдамида бажарилиши керак.

190. Дастгоҳлар кучланиши 36 В бўлган маҳаллий ёритгичлар билан таъминланиши керак.

191. Иш жойи майдони, ёрдамчи ускуналарни, асбобларни (жавон, стол, шкаф) сақлаш жойлари амалдаги талабларга мос бўлиши ва дастгоҳда ишлаётган ишчига халақит бермаслиги керак.

V. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

192. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

193. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

VI. Яқуний қоида

Мазкур қоидалар «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилган.

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси
бошқаруви раиси**

Ф. ОМОНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Н. ХАНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси**

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

**«Саноатконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи**

И. ХОЛМАТОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

**«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи**

А. НИМАТУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

239 Давлат мулки объектларини аукционда ва танлов
бўйича хусусийлаштириш тўғрисидаги Вақтинчалик
низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 54-2*

(2009 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 6-сон, 51-модда) қарорининг 4-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 1994 йил 17 майда тасдиқланган «Давлат мулки объектларини аукционда ва танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисида»ги Вақтинчалик низом (1994 йил 17 май, рўйхат рақами 54) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 апрель,
01/23-18/10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

240 Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1952*

(2009 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзфармсаноат» ДАКнинг 2006 йил 11 августдаги 7, 74, ЭГ-01/10-4572, 01-02/16-17, 6 ва 6-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ-416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган, четдан олиб келинадиган дори-дармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2006 йил 16 август, рўйхат рақами 1612 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. 33-сон, 335-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 май,
5-3-6/28-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 май,
53-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 май,
ЭГ-01/10-2053-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 май,
01-02/8-9-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 апрель,
7-сон

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Давлат божхона
қўмитасининг 2009 йил 6 майдаги 5-3-6/28,
53, ЭГ-01/10-2053, 01-02/8-9-сонли ҳамда
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил
20 апрелдаги 7-сонли қарорига
ИЛОВА

**Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш
учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат
солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар
РЎЙХАТИ**

Т/р.	Хом ашёлар номи	ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини)
1.	E.coli. Назорат стандарт эндотоксин	3822000000
2.	LAL - реагент суви	2853001000
3.	LAL-тест реагент (Limulus амебоцит Лизат)	3822000000
4.	N- акридосирка кислотаси	2933999000
5.	N- метилглюкамин	2922198000
6.	N, N-Диметилформаид	2924190000
7.	Ҳаво тозалигини текшириш учун агар тасмалари	3822000000
8.	Азитромицин дигидрат	2941500009
9.	Ақдизоль (Натрий кроскармелоза)	3912310000
10.	Қорамол зардоби альбумини	3502209900
11.	Амброксол	2921309900
12.	Амлодипин бесилат	2942000000
13.	Аммоний карбонат	2836991700
14.	Амоксициллин тригидрат	2941101000
15.	Ампициллиннинг натрийли тузи (ампициллин)	2941102001
16.	Ампициллин тригидрат	2941102002
17.	Анестезин (бензокаин)	2922499500
18.	Априд, инъекция учун кукун	3004101002
19.	Ананас ҳидли ароматизатор	3302909000
20.	Аспартам, Свитли (қанд ўрнини босувчилар)	2924299500
21.	Ацикловир	2933399900
22.	Биологик индикаторлар (спорали тасмалар)	3822000000
23.	Бриллиант кўки (бриллиант кўки кукуни)	3204130000
24.	Бромгексин гидрохлорид	2921301000
25.	Бир марта ишлатиладиган системалар ва шприцларни жойлаш учун газ ўтказувчи қоғоз	4802552509
26.	Бир марта ишлатиладиган системалар ва шприцларни жойлаш учун босиб чиқарилган рулонлардаги қоғоз	4811900000

Т/р.	Хом ашёлар номи	ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини)
27.	Бутанол (бутил спирти)	2905130000
28.	Бутилгидроксианизол	2907110000
29.	pH 4.00; pH 7.00; pH 10.00 (pH-метрни калибрлаш учун) буфер эритмаси	3822000000
30.	Гиббиёт вазелини	2712109000
31.	Ванилин	2912410000
32.	Филм қоплама учун модда	2823000000
33.	Винпоцетин	2939990000
34.	Аммоний гидроксид ACS реактиви	2814200000
35.	Гидроксопропил метил целлюлоза	3912398000
36.	Гидроксопропил целлюлоза	3912392000
37.	Гидрохлортиазид	2934208000
38.	Глибенкламид	2935009000
39.	Икки хлорли метилен (метиленхлорид); Дихлорметан 99,6% реактив ACS, дихлорметан ВЭЖХ учун, метилен хлорид (метилен хлорли)	2903120000
40.	Икки асосли кальций фосфат	2835261000
41.	Қайин қорамойи	3807001000
42.	Декстран 40, 70 (субстанция)	3913900000
43.	Диклофенак натрий	2916340000
44.	Диметил сульфоксид (DMSO)	2930908500
45.	Дихлорэтан (хлорли этилен)	2903150000
46.	Диэтиламин	2921195000
47.	Диэтиланилин (диэтилфениламин)	2921429000
48.	Желатин	3503001001
49.	Полиметилсилоксан суюқлиги	3910000009
50.	Хантал кунжараси	2306909000
51.	Изопропанол (изопропил спирти)	2905120000
52.	Индометацин	2933992000
53.	Итраконазол (пеллетлар, гранулалар)	2933999000
54.	Ихтиол	3824901000
55.	Кристаллик йод	2801200000
56.	Калий марганцевокислый (калий перманганат)	2841610000
57.	Калий бромид	2827510000
58.	Калий йодид	2827600000
59.	Кальций глюконат (моногидрат)	2918160000
60.	Кальций леулинат	2915609000
61.	Кальций хлорид (хлорли кальций, сувли кальций хлорид)	2827200000
62.	Камфора (кукун, синтетик)	2914210000
63.	Турли ўлчамдаги желатин капсулалар	1905902000

Т/р.	Хом ашёлар номи	ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини)
64.	Нитрат кислотаси	2808000000
65.	Борат кислотаси	2810009000
66.	Клавулан кислотаси	2941900009
67.	Лимон кислотаси	2918140000
68.	Перхлорат кислотаси	2811198000
69.	Салицил кислотаси	2918210000
70.	Хлорид кислотаси	2806100000
71.	Фосфат кислотаси (ортофосфат кислота)	2809200000
72.	Фторит кислотаси (плавик кислота)	2811110000
73.	Кларитромицин	2941500009
74.	Силикон Колоид диоксиди (кремний диоксиди) (аэросил)	2811220000
75.	Женьшень илдизи	1211200000
76.	Валериана илдизпоялари ва илдизлари	1211909800
77.	«Қизил Аллюра» бўёғи	3204190000
78.	«Қизил ялтироқ (Wine red)» кандурин бўёқ	3204190000
79.	Шойитрафарет жиҳоз учун типографик бўёқ	3215190000
80.	Маккажўхори крахмали	1108120000
81.	Гуруч крахмали	1108191000
82.	Микроскопия учун кристаллик бинафша	3204130000
83.	Хантал оқшоғи	1207509000
84.	Ксангидрол, 99% ксангидрол (9-ксантенол)	2932998500
85.	Ксероформ	2908190000
86.	Микроорганизмлар экинлари (штаммлар)	3002905000
87.	Лактоза, сут қанди, Д-лактоза, лактоза моногидрат	1702110000
88.	Озукавий ламинария кукуни (денгиз карами)	1212200009
89.	Ланолин (сувсиз)	1505009000
90.	Левофлоксацин	2933491000
91.	Лоратадин микронезид	2933399900
92.	Магний стеарат	2915703000
93.	Маннитол	2905430000
94.	Канакунжут мойи	1515309000
95.	Чаканда мойи	1515909900
96.	Мегасеф инъекция 250 мг, 750 мг (цефуросим натрий)	3004209009
97.	Мис сульфат (мис купороси)	2833250000
98.	Мелбек 15 мг, 1,5 ампула	3004909909
99.	Мелоксикам	2934100000
100.	Ментол, рацемик ментол	2906110000
101.	Метронидазол	2933299000

Т/р.	Хом ашёлар номи	ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини)
102.	Метанол (шу жумладан ВЭЖХ учун)	2905110000
103.	Метилпарабен (натрий метилпарабен, натрий гидроксibenзоат, натрий метилпарагидроксibenзоат)	2918293000
104.	Метилцеллюлоза	3912398000
105.	Мочевина	3102109000
106.	Сув дионизациясининг модуль-фильтри	8421210001
107.	Натрий карбоксиметилцеллюлоза	3912310000
108.	Натрий цитрат - 5,5 суви	2918150000
109.	Натрий бензоат	2916310000
110.	Натрий гептансульфонат моногидрат	2904100000
111.	Натрий гидрокарбонат, натрий бикарбонат	2836200000
112.	Натрий крахмал гликолят	3505105000
113.	Натрий лаурил сульфат	2920901000
114.	Натрий стеарил фумарат	2915703000
115.	Нафталин	2902901000
116.	Кумуш нитрати	2843210000
117.	Нобесид 750 мг таблеткалар	3004101002
118.	Рух оксиди	2817000000
119.	Этилен оксиди (этиленоксид)	2910100000
120.	Темир оксиди	2821100000
121.	Омепразол микропеллет	2933299000
122.	Ондансетрон гидрохлорид дигидрат	2933299000
123.	Лойқалик оптик стандарти	3822000000
124.	ПВХ пакетлари стерилланган (поливинилхлорид)	3923291000
125.	Парафин	2712209000
126.	Пирацетам	2933790000
127.	ПВХ плёнкаси (1мм дан қалин бўлмаган)	3920431000
128.	Уч қаватли полиолефинлар асосида соэкструзион плёнка (полипропилен ва полиэтилен аралашмасидан тайёрланган) (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган)	3921906000
129.	Полиамид РА 6,6 (Ultramid) natural	3908100000
130.	Тиббий қуйимолекуляр поливинилпирролидон 12600 –+ 2700, 8000 +- 2000, Поливинилпирролидон К-30, К-25, Повидон К-30, Кросповидон (коллидон)	3905999010
131.	Пластифицирланган поливинилхлорид, ПВХ пластикат (поливинилхлорид PVC)	3904220000
132.	Гранулаланган полипропилен (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган)	3902100000
133.	Полиэтиленоксид (полиэтиленгликол) 1500, 400	3907201100

Т/р.	Хом ашёлар номи	ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини)
134.	Хантал кукуни	2103301000
135.	Прежелатинланган крахмал	3505109000
136.	Пропиленгликоль	2905320000
137.	Драгендорф реактиви	3822000000
138.	Фолин - Чикалтеу реактиви	3206500000
139.	Референс препаратлар (ОСО БЦЖ, лойқалик ОСО БЦЖ)	3822000000
140.	Рибофлавин	2936230000
141.	Рокситромицин	2941500009
142.	Алюминийли ронделлар	7616999009
143.	Симоб ацетати	2915290000
144.	Сальбутамол сульфат	2922198000
145.	Секразол, флакондаги қиём	3004909909
146.	Силденафил цитрат	2933599500
147.	Силикон мойи, тиббиёт силикон суюқликлари	3910000009
148.	Симвастатин	2907290000
149.	Синтомицин	2941400009
150.	Сирғанувчи қўшимчалар (олеин кислотаси амиди)	3823120000
151.	Эпоксид елими	3907300000
152.	Сополимер EVA (этилвинилацетат)	3901300000
153.	Сополимер АБС (акрил бутадиен-стирол)	3903300000
154.	Стандарт суюлтирилганда тозаланган туберкулинни специфик фаоллигининг стандарт намунаси (2TE, 5TE, 10TE, 25TE, 125TE)	3822000000
155.	Стеарин кислотаси	2915702500
156.	Сульбактам натрий	2941102009
157.	Сульпирид	2933999009
158.	Сульмициллин тосилат	2941109009
159.	«Masterbatch» маркали суперконцентратлар (буёқлар) ва аналоглари	3204190000
160.	Сульфаметоксазол	2935009000
161.	Тайлол Колд, флаконларда қиём	3004409000
162.	Тальк	2526200000
163.	Текназол капсула	3004909909
164.	Теофиллин гранулалар	2939590000
165.	Термопласт эластомер	4002192000
166.	Тетрабутиламмоний водородсульфат	2923900000
167.	Тетрабутиламмоний гидроксид	2923900000
168.	Тетрагидрофуран	2932110000
169.	Суюқлик, қон ва вентилиацион мембраналар филтрлари учун мато	5911909000

Т/р.	Хом ашёлар номи	ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини)
170.	Толуол	2902309000
171.	Тринатрий дигидрат цитрат	2918150000
172.	Триэтиламин	2921191000
173.	Триметоприм	2933599500
174.	Улкарил крем, тубаларда	3004909909
175.	Фенофибрат гранулалар	2903309900
176.	Калий ферроцианид	2837200000
177.	Фильтр PTFE	8421290009
178.	Қоғоз филтър	4823200000
179.	Sartorius ва Millipore фирмаларининг филтърлари	8421210001
180.	Флуконазол	2933399900
181.	Флуоксетин	2921198000
182.	Алюминий фольга (0,021 мм. дан қалин бўлмаган)	7607111000
183.	Алюминий фольга 176 мм, 186 мм (қалинлиги 0,021 мм – 0,2 мм)	7607199900
184.	Иссиқ босма нақш учун пигмент фольга	3212109000
185.	Фталальдегидли реагент	2912290000
186.	Фунистатин кукун 7,5 гр. суспензия (нистатин) тайёрлаш учун	3004209009
187.	Темир (III) хлориди кристаллик	2827392000
188.	Кобальт (II) хлориди олтусувли	2827398500
189.	Цефазолин натрий	2941900009
190.	Цефаперазон	2941900009
191.	Цефуроксим аксетил	2941900009
192.	Циклогексан	2902110000
193.	Руҳ хлорид	2827398500
194.	Циннаризин	2933599500
195.	Ципрофлоксацин (ципрофлоксацин лактат) (ципрофлоксацин гидрохлорид)	2933491000
196.	Штамм VCG-1 (БЦЖ-1), БТВ Ту-2 4446S/typhy	3822000000
197.	Эмульгатор №1	2905599900
198.	Эналаприл малеат	2933999000
199.	Этодолак	2933992000

Мазкур Рўйхат «Ўзфармсаноат» ДАК билан келишилган.

«Ўзфармсаноат» ДАК
Бошқарув раиси

Б. ЮНУСОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

241 Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1953*

(2009 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сонли «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Давлат мулкни бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 апрель,
01/19-18/08

Давлат мулкни бошқариш давлат
қўмитасининг 2009 йил 22 апрелдаги
01/19-18/08-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сонли «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил., 4-сон, 237-модда) қарорига мувофиқ интеллектуал мулк объектларини баҳо-

лашда баҳолаш ташкилотларига, унинг жараёнлари ва ҳисоблаш услубларига бўлган ягона талабларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Интеллектуал мулк объектини баҳолаш Мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига мувофиқ баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва баҳолаш ҳисоботи билан расмийлаштирилади.

2. Интеллектуал мулк объектнинг қиймати уч ёндашув билан, яъни даромадли, харажатли, қиёсий ёндашувлар билан аниқланади. Баҳолашнинг уч ёндашувидан бирини қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда баҳоловчи ташкилот у ёки бу ёндашувни қўллаш рад этилишини зарур равишда баҳолаш ҳисоботида асослаши керак.

II. Даромадли ёндашув

3. Даромадли ёндашув — бу баҳолаш объектдан кутилаётган даромадларни аниқлашга асосланган баҳолаш объектнинг қийматини баҳолаш услублари мажмуидир.

4. Даромадли ёндашув интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан даромад (фойда) олиш эҳтимоллари мавжуд бўлган ҳолларда қўлланади.

5. Интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан тушган даромадлар интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқи топширилган ҳуқуқ эгаси томонидан маълум давр учун олинadиган пул тушумлари ва пул тўловлари (келгусида — пул оқими деб юритилади) орасидаги фарқдир.

6. Интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқи топширилганлиги учун тўловларнинг ҳажми битим тарафлари барча зарур маълумотларга эга бўлган ҳолда оқилона ҳаракат қилган пайтда келиб чиқадиган энг кўп эҳтимоллий мазмун асосида ҳисоблаб чиқилади ва тўловларнинг ҳажмида қандайдир фавқулодда ҳолатлар акс этмайди.

7. Интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан олинadиган асосий фойдалар қуйидагилардир:

маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда ва (ёки) асосий ва айланма маблағларга сармоя киритишдаги харажатлардан тежаш, шунингдек харажатларни амалда камайтириш, интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишда харажатларнинг бўлмаслиги (масалан, лицензион тўловларнинг йўқлиги, лицензиярга даромаддан энг кўп эҳтимолдаги улушни ажратиш заруратининг бўлмаслиги);

ишлаб чиқарилаётган дона маҳсулотнинг (иш, хизмат) нархини ошириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (иш, хизмат) сотув ҳажмини ошириш;

солиқлар ва (ёки) бошқа мажбурий тўловларни камайтириш;

қарз эвазига хизмат кўрсатиш тўловларини камайтириш;

баҳолаш объектини ишлатишдаги пул оқимини олишдаги таваккалчиликни камайтириш;

баҳолаш объектдан фойдаланишдаги пул оқимининг вақтинчалик тузилишини яхшилаш;

фойдаларнинг бошқа шакллари ва кўрсатилган шаклларнинг турли комбинациялари.

8. Баҳоланадиган интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан тушадиган даромадлар тўғридан-тўғри ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк объектини ишлатмаган ҳолда олган пул оқими ҳажми, таваккалчилиги ва тушум вақтини интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан тушадиган пул оқимининг ҳажми, таваккалчилиги ва тушум вақти билан солиштириш орқали аниқланади.

III. Қиёсий ёндашув

9. Қиёсий ёндашув — бу баҳолаш объектини унга нисбатан битимлари қийматлари тўғрисида маълумотларига эга бўлган бошқа шунга ўхшаш объектлар билан солиштириш орқали баҳолаш объектининг қийматини баҳолаш услублари мажмуидир.

10. Қиёсий ёндашувни қўллаш баҳолаш объектларининг (келгусида — ўхшаш) ўхшаш нархлари ҳақидаги ишончли ва тўлиқ маълумот ҳамда улар билан амалга ошириладиган битимларнинг ҳақиқий шартлари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Бунда битимлар қийматлари, таклиф ва талаб ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилиши мумкин.

11. Интеллектуал мулк объектини қиёсий ёндашувни қўллаш ёрдамида баҳолаш шунга ўхшаш объектлар қийматларини баҳоланаётган интеллектуал мулк объектининг фарқларига қараб тузатиш орқали амалга оширилади.

12. Қиёсий ёндашувни қўллаган ҳолда қийматни аниқлаш қўйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

баҳолаш объектини шунга ўхшаш объектлар билан солиштиришдаги элементларни аниқлаш (келгусида солиштириш элементлари деб юритилади);

баҳоланаётган интеллектуал мулк объектининг ҳар бир солиштириш элементлари бўйича шунга ўхшаш ҳар бир объектдаги хусусият ва фарқлари даражасини аниқлаш;

баҳоланаётган интеллектуал мулк объектининг шунга ўхшаш ҳар бир объектдаги солиштириш элементлари бўйича тегишли хусусиятлар ва фарқлари даражасига мос равишда шунга ўхшаш объектлар қийматларидаги тузатишларни аниқлаш;

ҳар бир шунга ўхшаш объект қийматининг ҳар бир солиштириш элементлари бўйича уларнинг баҳоланаётган интеллектуал мулк объектдан фарқи бўйича тузатиш;

шунга ўхшаш объектнинг тузатилган қийматларини асосли умумлаштириш йўли билан интеллектуал мулк объектининг қийматини ҳисоблаш.

Солиштириш элементларига баҳолаш объекти қийматидаги омиллар (баҳолаш объекти қийматига таъсир қилувчи омиллар) ва интеллектуал мулк

объектларига оид битишувлар бозорида вужудга келадиган тавсиф ва хусусиятлар тааллуқлидир.

13. Солиштиришнинг энг муҳим элементлари, қоидага кўра, қуйидагилардир:

интеллектуал мулк объектининг баҳоланаётган мулккий ҳуқуқлари ҳажми; интеллектуал мулк объектига оид битишувларни молиялаштириш шартлари (шахсий ва қарзга олинган маблағлар нисбати, қарз маблағларини тақдим этиш шартлари);

шунга ўхшаш объект бўйича битишув тузиш санасидан бошлаб баҳоланиши ўтказиш санасига қадар даврда интеллектуал мулк объектлари нархларининг ўзгариши;

интеллектуал мулк объекти ишлатилган ёки ишлатиладиган соҳа;

тақдим этиладиган ҳуқуқлар таъсири тарқаладиган ҳудудлар;

баҳоланиши объектига нисбатан шунга ўхшаш объектларнинг жисмоний, функционал, технологик, иқтисодий тавсифлари;

интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотга бўлган талаб;

рақобатли таклифларнинг мавжудлиги;

интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (иш, хизмат) сотишнинг нисбий ҳажми;

интеллектуал мулк объектини фойдали ишлатиш муддати;

интеллектуал мулк объектини ўзлаштиришга қилинган харажатлар даражаси;

интеллектуал мулк объектига оид битишувларни тузишдаги тўлов шартлари;

интеллектуал мулк объектига оид битишувларни тузиш ҳолатлари.

IV. Харажатли ёндашув

14. Харажатли ёндашув — бу мулкнинг эскирганлигини инобатга олган ҳолда баҳоланиши объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган сарф-харажатлар миқдорини белгилашга асосланган баҳоланиш услублар мажмуи.

15. Харажатли ёндашувни қўллаш баҳоланиши объектини тиклаш ёки алмаштириш имкони мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Харажатли ёндашувни қўллаш орқали баҳоланиш қуйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

баҳоланиши объектига шунга ўхшаш янги баҳоланиши объектини яратиш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини аниқлаш;

баҳоланиши объектининг шунга ўхшаш янги объектга нисбатан эскирганлиги ҳажмини аниқлаш;

баҳоланиши объекти қийматини унга нисбатан шунга ўхшаш янги баҳоланиши объектини яратиш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини чегириб ташлаш йўли билан ҳисоблаш.

16. Баҳоланиши объектига нисбатан унга ўхшаш янги объектни яратишга

қилинган харажатлар суммаси бевосита ва билвосита интеллектуал мулк объектини яратиш ва уни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш, шунингдек интеллектуал мулк объектининг яратилишида капитал киритганлиги учун бериладиган энг кўп эҳтимолий мукофоти ҳажми кўринишидаги сармоядорнинг даромадини ўз ичига олади.

17. Баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги интеллектуал мулк объектини яратишга қилинган харажатлар суммаси ҳуқуқ эгаси томонидан илгари баҳоланаётган интеллектуал мулк объектини яратишга амалда сарфланган харажатларни индексациялаш ёки баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги интеллектуал мулк объектини яратиш учун зарур бўлган барча манбаларни (элементлар, харажатларни) баҳолаш кундаги нархлар ва тарифлар бўйича калькуляция қилиш йўли билан белгиланиши мумкин.

18. Индексациялашни ўтказишда харажатлар элементлари бўйича нархларнинг ўзгариб бориши индексларидан фойдаланиш шарт. Харажатлар элементлари бўйича нархларнинг ўзгариб бориши индекслари ҳақида ҳаммабоп ишончли маълумотлар мавжуд бўлмаганда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли саноат тармоқлари бўйича нархлар ўзгариши индекслари бўйича ахборотларидан фойдаланилиши мумкин.

19. Сармоядорнинг даромади баҳоланаётган интеллектуал мулк объектини яратиш учун зарур унга нисбатан сармоя киритиш таваккалчилиги даражаси ва вақт даври бўйича энг кўп эҳтимолли ўхшаш капиталнинг самара беришига киритган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда кўзда тутилган бўлиши мумкин.

20. Интеллектуал мулк объектининг эскирганлиги умуман олганда баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги объектнинг фойдали ишлатилиши муддатини ва мавжуд баҳолаш объектининг фойдали ишлатилиши қолган муддатини баҳолаш асосида белгиланиши мумкин. Бунда интеллектуал мулк объектини фойдали ишлатиш муддати шартнома асосида интеллектуал мулк объекти фойдаланишга берилган ҳуқуқ муддати ёки интеллектуал мулк объекти ҳуқуқ эгасининг шахсий ишлаб чиқаришида (бизнесида) ишлатилиши мумкин бўлган давридаги муддат деб белгиланиши мумкин.

V. Яқуний қоида

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Давлат патент идораси билан келишилган.

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Н. ХАНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь*

*Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси*

Ш. САЛИХОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь*

*Давлат патент
идораси директори*

Б. АМОНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

242 **Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954*

(2009 йил 22 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 377-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель,
17/ҚҚ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель,
8-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги
17/ҚҚ, 8-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва
ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг
чегарасини белгилаш тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 377-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар,

ташкilotлар ва муассасалар, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатларида қўлланиши шарт.

2. Ушбу Низом талаблари таълим тизимидаги услубий қўлланмаларни ишлаб чиқишда ва ишлаб чиқариш амалиётида эътиборга олиниши лозим.

II. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун юкларни кўтаришлари ва ташишлари учун рухсат этиладиган нормалар

3. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ ҳолда белгиланади.

4. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, шунингдек улар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига жалб этилмаслиги лозим.

5. Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси: ўғил болалар учун — 6,5 кг, қиз болалар учун — 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

6. Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

7. Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганларга аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишларига рухсат этилмайди.

III. Яқуний қоида

Ушбу Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси**

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 15 апрель*

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ШАЙХОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 15 апрель*

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси

Кўтариш ва ташиш турлари	Юк нормасининг чегараси		Кўтариш ва ташиш шартлари
	ўғил болалар учун	қизлар учун	
Қўлда	13 кг гача	7 кг гача	қиялик баландлиги 0,01 дан юқори бўлмаганда рухсат этилади
Бир гилдиракли аравачада	39 кг гача	қизларга рухсат этилмайди	қиялик баландлиги 0,02 дан юқори бўлмаган фақат тахтали йўлакда ҳаракатланишга рухсат этилади
Икки гилдиракли аравачада	47 кг гача	қизларга рухсат этилмайди	қиялик баландлиги 0,02 дан юқори бўлмаган текис йўлда ҳаракатланишга рухсат этилади
			қиялик баландлиги 0,01 дан юқори бўлмаган нотекис йўлда ва кўприкларда ҳаракатланишга рухсат этилади
Уч ва тўрт гилдиракли аравачада	67 кг гача	52 кг гача	қиялик баландлиги 0,02 дан юқори бўлмаган текис йўлда ҳаракатланишга рухсат этилади
Вагонеткаларда	405 кг гача	224 кг гача	қиялик баландлиги 0,01 дан юқори бўлмаган темир йўлларда ҳаракатланишга рухсат этилади

Изоҳ:

1. Барча юк нормалари юкнинг оғирлиги билан биргаликда уларни кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган мосламаларни ҳам ўз ичига олади.
2. Рухсат этилган қияликнинг баландлиги деганда қияликнинг энг юқори баландлигини йўлнинг узунлигига нисбати тушунилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

243 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-1*

(2009 йил 22 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сонли буйруғи (2009 йил 6 февраль, рўйхат рақами 1899 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) билан тасдиқланган «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисида»ги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Профессионал иштирокчи унинг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланган ички назорат тўғрисидаги Йўриқномага (низомга) (кейинги ўринларда — Йўриқнома) эга бўлиши керак. Кузатувчи кенгаши мавжуд бўлмаган ҳолда Йўриқнома профессионал иштирокчининг ижроия органи томонидан тасдиқланади».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 апрель,
2009-25-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

244 Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг
модернизация ва янги технологиялар жамғармаси
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955*

(2009 йил 22 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–916-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 280-модда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 апрель,
48-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 апрель,
71-сон

**Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 апрель,
5-сон

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009 йил
24 апрелдаги 48, 71, 5-сонли
қарорлари билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг
модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 280-модда) хўжалик бошқарув органлари ва корхоналар (кейинги ўринларда — хўжалик юритувчи субъект) томонидан илмий-амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тажриба-конструкторлик ишлари ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш ишларини молиялаштириш учун ташкил қилинган модернизация ва янги технологиялар жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилайди.

I. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

1. Жамғарма фақат илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда, товар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилаётган хўжалик юритувчи субъектлардагина ташкил қилинади.

2. Жамғарма маблағлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг соф фойдаси ва амортизация ажратмаларининг бир қисмидан;

бюджетмачиларнинг мақсадли тушумларидан.

Бунда, жамғармани шакллантирувчи ажратмаларнинг миқдори хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил белгиланади.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган Жамғарманинг маблағларини тўплаш хўжалик юритувчи субъект томонидан унга хизмат кўрсатадиган тижорат банкларидан бирида очиладиган махсус ҳисоб рақамида амалга оширилади.

II. Жамғармани бошқариш ва Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш

4. Жамғарма бошқарувининг олий органи хўжалик юритувчи субъектнинг Илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда — Илмий-техник кенгаш) ҳисобланади.

Илмий-техник кенгаш таркиби хўжалик юритувчи субъект раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Илмий-техник кенгашни ушбу кенгаш раиси ҳисобланувчи хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг биринчи (ёки биринчи мақомидаги) ўринбосари бошқаради.

5. Илмий-техник кенгаш қўйидагилар ҳақидаги қарорларни қабул қилади:

Жамғарма маблағларидан лойиҳани молиялаштиришни қабул қилиш ёки лойиҳани молиялаштиришдан воз кечиш;

лойиҳани қайта ишлашга ёки қўшимча экспертизага жўнатиш.

Илмий-техник кенгаш қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, раиснинг имзоси билан расмийлаштирилади.

6. Илмий-техник кенгаш кўриб чиқиши учун лойиҳалар хўжалик юритувчи субъектнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширувчи таркибий тузилмалари томонидан киритилади.

7. Илмий-техник кенгаш Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган лойиҳаларни қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда илмий-техник экспертизадан ўтказди:

лойиҳанинг долзарблиги ва қўйилган масалаларни ҳал қилишга ёндашувининг аниқлиги;

тавсия қилинган инновацион ва илмий-амалий ишлар натижаларининг амалда қўллаш имкониятлари;

лойиҳа харажатлар сметасининг асосланганлиги, уни амалга оширишнинг давомийлиги ва мазкур лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш муддатлари.

8. Жамғармадан маблағларни ажратиш хўжалик юритувчи субъект раҳбарини қарорига асосан тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

III. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

9. Жамғарма маблағларидан:

илмий-амалий тадқиқотларни;

инновацион лойиҳаларни;

тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этишни молиялаштиришда фойдаланилади.

10. Жамғарманинг жорий йилда ишлатилмаган маблағлар қолдиғи кейинги йилга ўтказилади.

11. Жамғарма маблағларини сарфланиши махсус ҳисоб-рақамидан хўжалик юритувчи субъектнинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган Жамғарма маблағларининг тушум ва харажатлар сметасига асосан амалга оширилади, қонунда белгиланган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

IV. Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

12. Жамғармага келгуси йилда келиб тушиши кутилаётган пул тушумини умумий ҳажмини аниқлашда хўжалик юритувчи субъектлари, Жамғармада режалаштирилаётган йил бошига қоладиган қолдиқни ва қонунчиликдаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда охириги икки йилдаги тушумларнинг динамикасидан келиб чиққан ҳолда йил давомида тушиши кутилаётган тушум ҳажмини ҳисобга олишлари лозим.

13. Сметанинг харажатлар қисми Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги» 54-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 2-сон, 9-модда), унда назарда тутилган харажатлар гуруҳлари бўйича харажатлар ёйилмасини ва улар асосидаги ҳисоб-китобларни тўла илова қилган ҳолда тузилади.

14. Жамғарма маблағлари тушумлари ва харажатларининг йиғма сметаси (йил давомида киритиладиган ўзгаришларни инобатга олиб) хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан тузилади ва тасдиқланади.

15. Танлаб олинган лойиҳалар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда Илмий-техник кенгаш Жамғарманинг даромадлар ва харажатлари дастлабки йиғма сметасини тузади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

V. Яқуний қоидалар

16. Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш Илмий-техник кенгашни бошқарувчи хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари биринчи (ёки биринчи мақомидаги) ўринбосари томонидан амалга оширилади.

17. Жамғарма маблағларини тўғри шакллантириш ва мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига юклатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

245 **Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг
ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956*

(2009 йил 24 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли «Мақтабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 431-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Мақтабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель,
17/2-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 апрель,
6/3-сон

Халқ таълими вазирлиги ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
2009 йил 21 апрелдаги
17/2, 6/3-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг
хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 43-сон, 431-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларида (бундан кейинги ўринларда мактабгача таълим муассасаси деб юритилади) болаларнинг хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мактабгача таълим муассасаси ҳамда штатдаги тиббиёт ходимлари, шунингдек мактабгача таълим муассасасига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаси маъмурияти томонидан болаларнинг хаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилиши доимий равишда назорат қилиб борилиши лозим.

2. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар улар билан мактабгача таълим муассасаси ўртасида ўзаро муносабатлар бўйича шартнома тузилаётган вақтда ушбу Низом талаблари билан таништирилиши лозим.

**II. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг
хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш
тартиби ва қоидалари**

3. Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг хаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишда қуйидагилар:

барча телефон аппаратлари олдида ҳамда мактабгача таълим муассасасининг марказида ёнғин хавфсизлиги, фавқулодда вазиятлар, тез ёрдам хизматлари, ички ишлар идораларининг телефон рақамлари ва уларга боғланиш тартиби кўрсатилган пешлавҳалар мавжуд бўлиши;

мактабгача таълим муассасасининг барча ходимларида муассаса мудирлари ҳамда ўз гуруҳидаги тарбияланувчиларнинг яшаш манзили, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг телефон рақамлари мавжуд бўлиши шарт.

4. Мактабгача таълим муассасаси ходимлари бола тўсатдан касал бўлиб қолса ёки нохуш ҳолат юзага келган тақдирда, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр туриши лозим. Ҳар бир гуруҳда болалар томонидан олишнинг имконияти бўлмаган жойда керакли дори-дармонлари бўлган аптечка бўлиши шарт.

5. Мактабгача таълим муассасасида педагогик кенгашлар, касаба уюшмаси йиғилишлари ва бошқа тадбирларни болаларнинг уйқу соатларида ташкил этиш лозим. Бунда албатта гуруҳда тарбиячи ёрдамчиси қолиши шарт.

6. Мактабгача таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиши ва таомларни тайёрланиши Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7. Болалар сайр ва экскурсияга олиб чиқилганда, тарбиячи томонидан уларнинг ҳеч қандай мева ва ўсимликларни истеъмол қилмасликлари назорат қилиниши лозим.

8. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудидан узоқроққа сайр ёки экскурсияга чиқаётган гуруҳ камида икки нафар ходим билан таъминланган бўлиши лозим. Бунда ходимларнинг бири сафнинг олдида, иккинчиси сафнинг орқасида ҳаракатланиб бориши лозим.

9. Болаларни тартибли равишда сайр ёки экскурсияга олиб чиқилиши ички ишлар идоралари билан келишилган ҳолда ўрнатилган тартибда йўл-патрул хизмати ходимлари кузатувида амалга оширилиши керак.

10. Яёв ҳолда сайр ёки экскурсияга чиқишдан олдин тарбиячи: ўтказиладиган тадбир ҳақида мактабгача таълим муассасаси маъмуриятини олдиндан огоҳлантириши;

ўзи билан олиб кетадиган болаларнинг сонини билиши;

болалар олиб бориладиган жойни аввалдан режалаштириб олиши ва ҳаракатланиш йўналишига аниқлик киритиши лозим.

11. Кунинг иссиқ пайтларида болаларга иссиқлаб кетмаслиги учун енгил бош кийимлари кийдирилиши лозим. Болаларнинг қуёш ванналарини қабул қилиши ҳамда мактабгача таълим муассасаси ҳудудидаги сув ҳавзаларида чўмилишлари тиббиёт ходимлари ва тарбиячининг назорати остида олиб борилиши зарур.

12. Мактабгача таълим муассасасининг тарбиячилари ва бошқа мутахассислари томонидан иш вақти давомида болаларни қаровсиз қолдириш тақиқланади. Тарбиячи ёки бошқа мутахассислар бўлмаганда тегишли гуруҳга мудира томонидан бошқа жавобгар шахс тайинланиши лозим.

13. Мактабгача таълим муассасаси ҳудудига шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган кишиларнинг киритилиши тақиқланади.

III. Мактабгача таълим муассасасига болаларни олиб келиш ва олиб кетиш қоидалари

14. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини мактабгача таълим муассасасига олиб келганда тарбиячининг шахсан ўзига топшириши, шунингдек болани мактабгача таълим муассасасидан олиб кетиш вақтида тарбиячилар болани шахсан ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топшириши шарт.

15. Болаларнинг мактабгача таълим муассасасидан яқин қариндошлари томонидан олиб кетилишга йўл қўйилади. Бунда болаларни олиб кетувчи шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Мактабгача таълим муассасасидан болаларни бошланғич мактаб ёшидаги (1 — 4-синфлар) ҳамда маст ҳолатдаги шахслар томонидан олиб кетилиши ман этилади.

16. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз боласини мактабгача таълим муассасасидан олиб кетишга келмай қолганда, тарбиячи иш вақтидан сўнг болани уйига кузатиб қўйиши лозим. Бундай вақтда тарбиячи томонидан болани бир ўзини гуруҳда ёлғиз қолдириш ёки бошқа ходимларга ташлаб кетиши қатъиян тақиқланади.

17. Тарбиячи томонидан болани уйига кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатлар боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қопланади.

IV. Мактабгача таълим муассасаси биноларида хавфсизликни ташкил этишга оид талаблар

18. Мактабгача таълим муассасасининг икки қаватли биноларида жойлашган хоналарнинг зинапоя ва ўтиш жойларида оралиғи бир-бирига зич бўлган вертикаль панжаралар билан жиҳозланган баланд тўсиқлар ўрнатилиши лозим.

19. Мактабгача таълим муассасасининг иккинчи қаватидаги балкон тўсиқларининг баландлиги бир метрдан ортиқ бўлиши керак.

20. Гуруҳ ва фойдаланилаётган хоналардаги барча деразалар ичкарига очилиши ва фиксаторлар билан мустаҳкамланиши лозим, очиладиган деразаларда тўрлар бўлиши керак. Иккинчи қават деразаларини болалар хонада бўлган вақтда очиш ман этилади.

21. Мактабгача таълим муассасасига киришдаги эшикларга қўнғироқ ўрнатилган бўлиши ҳамда осон очиладиган бўлиши керак.

22. Мактабгача таълим муассасасидаги шифт панеллари, блоклар, поллар, ювиниш хоналаридаги сантехник жиҳозлар ва шу кабилар мунтазам равишда техник кўрикдан ўтказиб турилиши лозим.

23. Мактабгача таълим муассасасида водопровод ва канализация тизимлари, мебель, жисмоний тарбия жиҳозлари, дераза дарчалари ва фрамугаларнинг мустаҳкамлиги ҳамда созлиги доимий назорат қилиниши керак.

24. Болаларнинг ўйинчоқлари учун мўлжалланган шкафлар, хўжалик

шкафлари, сочиқ ва кийимлар учун илгичлар, расм ва портретлар девор ёки полга мустаҳкам қоқилган ҳолда бўлиши керак.

25. Гуллар учун ишлатиладиган мосламалар мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак. Хона гуллари тикансиз бўлиб, барглари инсон организми учун безарар бўлиши керак.

V. Мактабгача таълим муассасасида ёнғин хавфсизлигини ташкил этишга оид талаблар

26. Мактабгача таълим муассасаси маъмурияти барча турдаги ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни ўтказиш ва ҳар ҳафтада кўнгилли ёнғин дружинаси ходимлари иштирокида ёнғин чиққанда ҳаракатланиш тартибини ўрганиш бўйича машғулотларни ташкил этиш йўли билан ходимларнинг ёнғин ва электр хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштиришларини ташкил этишлари лозим.

27. Ҳар бир мактабгача таълим муассасаси ёнғин хавфсизлиги жиҳозлари билан таъминланиши керак. Мактабгача таълим муассасасининг мудирини зарур бўлган иш ҳолатидаги бирламчи ўт ўчириш воситалари билан етарли миқдорда таъминлаши керак.

28. Мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир ходими қуйидагиларга мажбур:

а) ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билишга ва уларга қатъий риоя қилишга;

б) бирламчи ўт ўчириш воситалари жойлашган жойни ва уларни қўллашнинг билишга;

в) болалар ва мулкни эвакуация қилиш режаси бўйича ўзининг функционал вазифаларини ва ҳаракатланиш тартибини билишга (эвакуация режаси ҳар бир қаватнинг кўринарли жойига илинади);

г) ёнғин юзага келганда, бу ҳақда ўз вақтида ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар бериши ва ёнғинни ўчириш, болаларни қутқариш бўйича барча чораларни қўллашга;

д) эвакуация режаси асосида мунтазам равишда ёнғин ҳолатлари юзага келганда, болаларни бинодан эвакуация қилиш бўйича машғулотларни ўтказиб боришга;

е) ёнғин чиққанда болалар ва ходимларнинг эвакуацияси икки йўл орқали амалга оширилишини билишга.

29. Мактабгача таълим муассасасида иш вақти тугаганидан сўнг ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида барча электр жиҳозлари ток мабаидан ўчирилиши лозим.

30. Электр симлари изоляцияланган ва электр жиҳозлари болалар қўли етмайдиган жойда бўлиши лозим. Мактабгача таълим муассасасидаги электр жиҳозлари истеъмолчи электр мосламалардан фойдаланишдаги техника хавфсизлиги талабларига жавоб бериши керак.

31. Печка орқали иситиладиган мактабгача таълим муассасаси уларни ёқиш болалар келишидан бир соат олдин, кечаю кундуз ишлайдиган мак-

табгача таълим муассасасида эса болалар кечки уйқуга кетишидан икки соат олдин ўчирилиши керак.

32. Ўйин ва бошқа хоналардаги марказий иситиш радиаторлари тозалаш учун очиладиган ва ечиладиган экранлар билан тўсилган бўлиши керак.

33. Тунги вақтда навбатчилик қилувчи ходимларда ҳар бир хонанинг захира қалитлари сақланиши ва улар фонарлар билан таъминланган бўлиши керак.

34. Мактабгача таълим муассасаси атрофидаги йўлларда ўт ўчирувчи машиналарнинг киришига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган тўсиқлар мавжуд бўлмаслиги лозим.

35. Тунги гуруҳи бўлган мактабгача таълим муассасасидаги навбатчи ва тунги тарбиячи ҳар куни кечкурун 20-00 гача ёнғин хавфсизлиги идораларига мактабгача таълим муассасасидаги мавжуд болалар ва ходимлар сони ҳақида ўрнатилган тартибда ахборот бериши шарт.

VI. Худуд хавфсизлигига бўлган талаблар

36. Мактабгача таълим муассасаси ер майдони баландлиги 1,5 метрдан паст бўлмаган, тўғри вертикал ва ўткир учларисиз ҳамда оралиғи зич бўлган панжаралар билан ўралган бўлиши керак.

Мактабгача таълим муассасаси худуди тунги вақтда ёритилган бўлиши керак.

37. Жисмоний тарбия машғулоти ва ўйин майдончаларидаги жиҳозлар ҳамда уларнинг тўсиқ ва устунлари мустаҳкам ўрнатилган бўлиши, шунингдек фойдаланиш учун хавфсиз бўлиши керак. Павильонлар, соябонлар ва бошқа жиҳозларнинг созилиги, техник мустаҳкамлиги ва хавфсизлиги мунтазам равишда назорат қилиниши керак.

38. Мактабгача таълим муассасаси худудига инсон соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган тиканакли буталар ҳамда заҳарли мевали ўсимликларни экиш ман этилади.

39. Қиш мавсумида мактабгача таълим муассасаси худудидаги бино томлари муз ва қордан тозаланиши керак, томда осилган муз ва қорлар ҳосил бўлишига йўл қўймаслик керак.

40. Чуқурликлар тўлдирилиши, қудуқлар ва чиқинди қутилари маҳкам ёпилиши керак. Худудда болага хавф туғдирувчи (михи чиқиб турган қутилар, узилган электр симлари, синган ойна, тош ва ҳоказолар) нарсалар бўлмаслиги керак. Қуриган дарахт ва шох-шаббалар муассаса худудидан вақтида чиқариб ташланиши керак.

41. Мактабгача таълим муассасаси худуди ёнғин хавфсизлиги меъёр ва қоидалари талабларига мувофиқ ёнғинга қарши воситалар билан таъминланган ўт ўчириш қалқонлари билан жиҳозланиши керак.

42. Хўжалик майдони мактабгача таълим муассасасининг асосий худудидан ажратилган бўлиши ва алоҳида қулфладиган кириш йўлагига эга бўлиши керак.

43. Ёқилғи захиралари бола кира олмайдиган ва алоҳида ажратилган жойда сақланиши лозим. Кўмир захираси алоҳида ажратилган жойда ва усти ёнмайдиган қоплама (тупроқли қоришма) билан ёпилган бўлиб, бирламчи ўт ўчириш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

VII. Яқуний қоидалар

44. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

45. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилган.

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель*

*«Давархитектқурилиш»
қўмитаси раиси*

Н. ХАНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 8 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

246 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-19*

(2009 йил 24 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 90-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига

мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилди:**

1. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 май,
01-02/6-12-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

247 Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни му- ҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957*

(2009 йил 24 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга қиради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 апрель,
13-4/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 17 апрелдаги 13-4/Б-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни
муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ чой ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги чой ишлаб чиқариш корхоналарига (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Ушбу Қоидалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, Давлат стандартлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг хавфсизлик техникаси бўйича хизмати (муҳандиси) зиммасига юклатилади.

4. Чой ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»-

ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

6. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида»ги Намунавий низомга мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи корхоналарда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ишловчилар сони 50 дан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш корхона раҳбарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш қиради.

8. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирларини ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-номалари.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда тугатилади.

10. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

11. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари лозим.

12. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

3-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

13. Корхоналарда зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки уларни бартараф этиш учун жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим.

14. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрга сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, электр токи уриши, статик электр, ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

15. Чой ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари белгиланган меъёрларда якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

16. Якка тартибдаги химоя воситалари қуйидаги турларга бўлинади:
махсус кийим-кечак;
махсус пойабзал;
махсус бош кийим;
нафас аъзоларининг химоя воситалари;
қўлни химоялаш воситалари;
бош учун химоя воситалари;
юзни химоялаш воситалари;
эшитиш аъзоларини химоя қилиш воситалари;
кўзни химоя қилиш воситалари.

17. Корхона маъмурияти ходимларни белгиланган меъёрларга мувофиқ, керакли якка тартибдаги химоя воситалари билан таъминлаши, улардан фойдаланиш муддатларига ҳамда сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарурий шартларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда якка тартибдаги химоя воситаларини бериш ҳисобини юритиши шарт.

4-§. Касбий танлов

18. Корхоналарда касбига кўра танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

19. Корхона мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

20. Босим остида ишловчи ускуналар ва хавфи юқори бўлган бошқа ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

21. Хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

22. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

23. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

5-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

24. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси кўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

25. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги

буйруқ (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) асосида амалга оширилиши лозим.

Ходимлар тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

26. Тиббий кўриқлар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриқлар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.

Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўриқ далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

27. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва тавсияларнинг бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

28. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда, корхона маъмурияти ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

6-§. Санитария ва гигиена талаблари

29. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари қуйидаги санитария қоидаларига мувофиқ сақланиши лозим:

иш зонасида ҳаводаги зарарли моддаларнинг миқдори ГОСТ 12.1.005-2000 ССБТ «Иш зонасидаги ҳаво. Умумий санитария-гигиена талаблари»га биноан рухсат этилган энг кўп тўйинганлик даражасидан ошмаслиги;

ишлаб чиқариш хоналарида рухсат этилган ҳарорат, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги иш жойларидаги ортикча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси, йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

ишлаб чиқариш хоналарида шовқин ва тебранма даражаси ГОСТ 12.1.003-89 ССБТ «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари», ГОСТ 12.1.012-90 ССБТ «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари» талабларида белгиланган миқдордан ошмаслиги;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший хоналарнинг, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг ёруғлиги ҚМҚ 3.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёруғлик. Лойихалаштириш меъёрлари»га жавоб бериши ҳамда меҳнат шaroитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши;

хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга ва синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши;

электр токининг одамга таъсир этишини олдини олиш бўйича хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.1.019-86 ССБТ «Электр хавфсизлик. Умумий талаблар»га жавоб бериши;

статик электрдан химоя қилиш тадбирлари ГОСТ 12.1.18-93 ССБТ «Статик электр. Учқун хавфсизлиги. Умумий талаблар»га мувофиқ амалга оширилиши керак.

7-§. Маиший хоналарга қўйиладиган талаблар

30. Корхоналарда «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» ҚМҚ 2.09.12-98 талаблари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар қурилиши лозим.

Маиший ва қўшимча биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

31. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу каби қурилмаларнинг сони, сменадаги энг кўп ходимлар сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

32. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

33. Ювиниш хоналарида электр қуритгичлар, кўзгу, кийим илгичлар, совун учун идишлар, шунингдек энг кўп ходимлар ишловчи сменада 40 кишига битта қурилма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қўлни хлорли эритмада ювиш мосламаси кўзда тутилиши лозим.

34. Гардероблар кўча ва иш кийимларини сақлаш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

8-§. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарига қўйиладиган талаблар

35. Чой ишлаб чиқариш корхонаси чой сифатига салбий таъсир этувчи ишлаб чиқаришлардан узоқ бўлган масофада жойлашган бўлиши лозим.

36. Чой ишлаб чиқариш корхоналарининг биноларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҚМҚ 3.01.02-00 «Қурилишда хавфсизлик техникаси» қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

37. Ишлаб чиқариш биноларини чангиш, ифлосланиш даражаси имкон қадар камайтирилган ҳамда уларга ҳашорат ва ҳайвонлар тушишини истисно этган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш лозим.

38. Корхонанинг барча ҳудуди тоза сақланиши лозим. Атмосфера ёнғинларини чиқариб юбориш учун мўлжалланган оқова сув тарновлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ мунтазам равишда тозаланиши ва таъмирланиши лозим. Йўллар, ўтиш йўллари ва бинолар, қурилмалар ҳамда иншоотлар орасидаги ҳудудлардан материалларни сақлаш учун фойдаланиш, уларга ускуналар ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини тахлаб қўйиш ман этилади.

39. «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» ШМҚ 2.01.02-04 қоида-

ларига мувофиқ корхона ҳудудида чекишга фақат махсус ажратилган жойларда рухсат этилади.

40. Ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналар белгиланган қоида ва меъёрларга асосан автоматик ёнғин ўчириш ва хабар бериш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

41. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво оқимини бошқарувчи ускуналар ва ҳарорат, намлик, тозаланиш самарадорлиги ва филтрларда босим ўзгаришини ўлчаш мосламалари билан жиҳозланган ҳаво тортиш вентиляция тизими мавжуд бўлиши лозим.

42. Кириш, чиқиш, йўлаклар, тамбурлар, зинапоялар ҳар хил жисм ва ускуналар билан банд қилинмаслиги, чиқиш эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши лозим.

43. Ишлаб чиқариш хоналарида вентиляция қурилмалари ўрнатилган бўлишидан қатъи назар, шамоллатиш мосламалари кўзда тутилиши зарур.

44. Ишлаб чиқариш хоналаридаги поллар тешикларсиз, текис бўлиши ва қурилиш меъёрларида кўрсатилган материаллардан тайёрланиши лозим.

45. Ишлаб чиқариш хоналари санитария-гигиеник талабларига мос ҳолда силлик, осон ва тез тозаланадиган керамик плиталар билан 1,8 метр баландликкача қопланиши лозим.

46. Ишлаб чиқариш хоналари ва ускуналарини бўяш саноат корхоналари ишлаб чиқариш биноларининг интерьерларига рангли безак беришни лойиҳалашга доир кўрсатмаларга, «Технологик ускуналар ва технологик қувурлар» ҚМҚ 3.05.05-98 ва «Сигнал ранглари ва хавфсизлик белгилари» ГОСТ 12.4.026-76 талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

9-§. Омборхоналар, ярим фабрикалар, тайёр маҳсулотлар ва хом ашёни сақлашга доир талаблар

47. Янги корхоналарни лойиҳалаш ва қуришда ҳамда эскиларини реконструкция қилишда омборхоналар ҚМҚ 2.09.12-98 «Омбор бинолари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

48. Омборлар, айвонлар, эстакадалар ва очиқ омбор майдончалари ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

Спирт, мазут, бензин ва бошқа портловчи ёнилғи моддалар сақлаш учун хоналар ва майдончалар қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига жавоб бериши шарт.

49. Газ билан тўлдирилган баллонларни сақлаш омборида «Босим остида ишлайдиган идишларнинг жиҳозланиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари»нинг талаблари эътиборга олинган бўлиши лозим.

50. Омборларда кишилар ўтиши учун мўлжалланган эшикларнинг эни ва бўйи 2 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Омборларда цех транспорти (штабел тахлагичлар, электр юк ортгичлар, электр машиналар ва бошқалар) ҳаракатланадиган йўлакларнинг эни

юк ортилган транспорт воситаларининг ўлчами ҳисобга олинган ҳолда қўшимча бир томонлама ҳаракатланишда 0,8 метр, икки томонлама ҳаракатланишда девордан колоннагача ҳар икки томондан 1 метр масофа бўлиши лозим.

51. Қоплардаги ва қоғоз пакетлардаги (қутилар) хом ашё ва тайёр маҳсулотлар тахланиш баландлиги белгиланган баландликдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

52. Омборхона бинолари ва иншоотларини жойлаштиришда участкаларда уларга автомобиль транспортининг келиши кўзда тутилиши лозим.

10-§. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар

53. Оқова сувларини ҳосил қилиш ва сув ҳавзаларига тушириш шартлари ҚМҚ 2.04-01-98 «Оқова. Лойиҳалаштириш меъёрлари» ва ҚМҚ 2.04-03-97 «Оқова. Ташқи тизимлар ва иншоотлар» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

54. Ўзига хос ифлосланишлардан тозалаб бўлмайдиган оқова сувлари йўқ қилинади ёки махсус ажратилган жойларга туширилиши лозим.

55. Корхона ишлаб чиқариш ва маиший оқова сувларининг тозаланиш самарадорлиги юзасидан мунтазам лаборатория назоратини амалга ошириши шарт.

III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар

1-§. Саралаш ва бункер-купаж бўлими

56. Саралаш транспортёрлари ва столларида ёруғлик миқдори 300 люксдан кам бўлмаслиги керак.

57. Саралаш транспортёрлари, чойни қутилардан (қоплардан) бўшатиш жараёнлари ва сепараторлар (чойни темир парчалари, қоғоз ва ёғоч бўлақларидан тозаловчи элаклар ва магнитлар) маҳаллий сўрувчи мослама билан жиҳозланган бўлиши керак.

58. Хом ашё қутиларини ташиб келтириш, уларни очиш, ағдариш жараёнлари механизациялашган бўлиши керак.

59. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун поллар қаттиқ, текис ва мустаҳкам қопламаларга эга бўлиши керак.

60. Купаж барабанлари ва бункерларни зич ёпиладиган ёпқичлар ва иш жойларида ҳаво тозалигини таъминловчи чой чангини сўрувчи вентиляция тизими билан жиҳозлаш лозим.

61. Фақат алоҳида сигнал берилгандан кейин қадоқлаш машиналарини чой билан тўлдирувчи транспортёрлар ҳаракатга келтирилиши керак.

2-§. Механик қадоқлаш бўлими

62. Қадоқлаш-ўраш тизими носоз бўлганда уни ишга тушириш тақиқланади.

63. Барча таъмирлаш ва созлаш ишлари тўхтатилган автоматларда ва бош ўчиргичдан ўчирилган тарзда олиб борилиши керак. Бош ўчиргичда «Ёкманг! Одамлар ишляпти!» ёзуви бор огоҳлантирувчи белги осилиши керак.

64. Чангланган жойларда «Лепесток» респираторларида ишлаш керак.

65. Қадоқлаш ва ўраш бўлими вентиляция тизимига эга бўлиши керак.

66. Чой қадоқлаш автоматлари блокировка ускуналари билан таъминланган бўлиши керак.

67. Чой қадоқлаш автоматлари ва автоматик тарозилар ўзаро товуш сигнализацияси билан боғланган бўлиши лозим.

68. Чой қадоқлаш автоматларида ишлашга фақат ўқитилган ва ушбу ускунада хавфсиз ишлаш усуллари билан таниш бўлган шахсларга рухсат этилади.

69. Чой қадоқлаш автоматларидан сочилган чойни йиғиш учун махсус кутилар ёки тагликлар мавжуд бўлиши керак.

3-§. Юкларни ортиш-тушириш ишлари

70. Оғир юкларни ортиш-тушириш ишлари маъмурий-техник ходимлар назорати остида амалга оширилиши керак.

71. Чой қутиларини ортиш-тушириш ишлари механизацияланган усулда (телферлар, юклагичлар ва хоказо) амалга оширилиши лозим.

Ишларни бажаришда ишчилар кўтарилаётган ёки туширилаётган юк остида бўлмасликлари керак.

72. Корхоналар қуйидаги талабларга жавоб берадиган ортиш-тушириш майдончалари билан жиҳозланиши керак:

а) ортиш-тушириш майдонлари қаттиқ, текис қопламага эга бўлиши (асфальт, бетон ва бошқалар) ва тоза сақланиши керак. Қиш пайтида қор, муздан тозаланиши ва қум сепилиши лозим;

б) майдончада зарурий инвентарь ва ёритгичлар бўлиши керак.

73. Цех ички транспорти сифатида электрюклагичлар ва электркаралар қўлланиши мумкин.

74. Одамларни электрюклагичлар ва электркараларда ташиш тақиқланади.

75. Корхонанинг ёки станциянинг темир йўл тармоғида юкларни ортиш-тушириш ишларини олиб боришда ишларга раҳбарлик қилиш мазкур Қоидаларни ва ишларни хавфсиз амалга ошириш талабларини биладиган шахсга юклатилиши лозим.

IV. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган талаблар

1-§. Асбоб-ускуналарга қўйиладиган талаблар

76. Асбоб-ускуналар ишчиларга жароҳат етказиши мумкин бўлган учли қисмлар ва нотекис юзаларга эга бўлмаслиги лозим.

77. Барча ҳаракатланувчи узеллар, асбоб-ускуналарнинг узатма механизмлари (шківлар, занжирлар, айланувчи валлар ва бошқалар) ускуна корпусининг ичида жойлашиши керак.

Конструкция ичига жойлаштиришнинг имкони бўлмаганда, яхлит ёки тўрли химоя тўсиқлари билан муҳофазаланган бўлиши керак.

78. Ҳимоя тўсиғи шовқин, вибрация, хавфли вазиятларни келтириб чиқармаслиги, ускуналарга хизмат кўрсатишда ноқулайликлар келтириб чиқармаслиги керак.

79. Асбоб-ускуналарнинг тез-тез хизмат кўрсатиладиган қисмларига етиш учун тўсиқда ҳаракатчан қопқоқ (эшикча)га мавжуд бўлганда зичлаб болт, шпилька ва шу каби) маҳкамлашга йўл қўйилади.

80. Машиналар, аппаратлар, қувурларнинг барча иссиқлик чиқарувчи юзалари термоизоляция қилиниши лозим.

81. Транспортёрларда ташилаётган юкларнинг баландлиги 0,8 метрдан юқори бўлганда юк баландлигининг камида ярмигача келадиган баландликдаги бортлар билан таъминланиши лозим.

2-§. Ускуналарни жойлаштиришга қўйиладиган талаблар

82. Ишлаб чиқариш ускуналарининг жойлаштирилиши хавфсизликни, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш қулайлигини таъминлаши ҳамда технологик жараён кетма-кетлиги талабларига мос равишда амалга оширилиши лозим.

83. Цех йўлаклари хом ашё ва тайёр маҳсулотлар билан банд бўлмаслиги, цех ички транспорти ҳаракатланиш ҳудудидан холи жойда бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни устидан назоратнинг қулайлигини таъминлаши лозим.

84. Ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда қувурўтказгичларни кўрикдан ўтказиш ва текшириш корхона раҳбари томонидан тасдиқлаган жадвалга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

85. Монтаж ёки таъмирлаш ишларини амалга ошириш кетма-кетлиги, ускуналарнинг ечиладиган қисмлари назарда тутилган ишларни бажариш режасига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

86. Ишлар корхона бўйича буйруқ билан тайинланган муҳандис-техник ходимлар таркибидан масъул шахс раҳбарлигида амалга оширилиши керак.

87. Ускуналарни жойлаштиришда қуйидагилар назарда тутилиши шарт:

а) чой қадоқлаш автоматлари орасидаги масофа камида — 1,2 метр;

б) девор ва автомат орасидаги масофа — камида 1,5 метр;

в) ускуна ва жиҳозларни кўрикдан ўтказиш, текшириш ва созлаш учун йўлакча камида — 1 метр.

3-§. Ускуналарни монтаж қилиш ва таъмирлаш

88. Ускунани қабул қилиб олиш ва ишлатиш, монтаж қилиш ва таъмирлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

89. Ускунани текшириб кўриш ва синашдан олдин қўйдагиларни амалга ошириш лозим:

текширувда қатнашадиган шахсни иш олиб бориш тартиби ва хавфсизлик чоралари билан таништириш;

ускуна электр қисмларининг изоляцияланган ва ерга уланганлигини ҳамда ишга тушириш, тўхтатиш ва ёпиб қўйиш қурилмаларининг мавжудлигини ва уларнинг яроқлилигини, ҳимоя ва назорат-ўлчаш мосламаларини текшириш;

иш жойининг ёритилиши, ёнғинга қарши чораларга амал қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича йўриқноманинг мавжудлигини текшириш.

90. Таъмирлаш устахоналари кўтариш, тушириш ускуна ва мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

4-§. Тасмали конвейерлар

91. Конвейерларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш уларни монтаж қилиш, созлаш, ишлатиш ва таъмирлашнинг барча босқичларида амалга оширилиши керак.

Конвейерларни монтаж қилиш уларни тайёрлаган завод қўлланмаси асосида амалга оширилиши лозим.

92. 60° дан катта нишабликда ўрнатилган тасмали конвейерлар двигател ўчирилганда ишлайдиган ишончли автоматик ҳаракатланувчи тормоз қурилмаси ҳамда тўхтатгичлар (силжимайдиган қурилма) билан таъминланган бўлиши керак.

93. Икки ёки ундан ортиқ конвейерлардан иборат конвейерлар тизимида автоматик ёки масофадан бошқарув таъминланган бўлиши керак.

94. Конвейернинг барча металл қисмлари ерга уланган бўлиши лозим.

95. Статик электр зарядлари юзага келадиган ҳолларда огоҳлантириш чора-тадбирлари «Ишлаб чиқаришда статик электр токидан ҳимояланиш қоидалари»га мос равишда амалга оширилиши керак.

V. Назорат-ўлчаш асбоблари, автоматлаштириш воситалари ва ҳимоя қурилмалари

96. Барча назорат-ўлчаш асбоблари ишга яроқли ҳолатда бўлиши, корхона бош муҳандиси томонидан тасдиқланган махсус йўриқнома ва жадвал асосида текшириб турилиши керак.

97. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳажми технологик лойиҳалаштириш меъёрларига мос келиши ва тасдиқланган технологик регламент асосида хавфсиз иш жараёнини олиб боришни таъминлаши керак.

98. Автоматик тизимнинг портлаш хавфи мавжуд иншоотларда жойлашган шчит ва пультлари унга узатиладиган ўзгарувчи ёки ўзгармас ток кучланиши катталигидан қатъи назар, ерга уланган бўлиши керак.

Юқори хавфли ва хавфли бинолардаги, шунингдек ташқарида ўрнатилган қурилмаларнинг 42 V кучланишдан юқори ўзгарувчан ёки 110 V кучланишдан юқори ўзгармас ток уланган шчит ва пультлари ерга уланган бўлиши керак.

99. Портлаш хавфи мавжуд иншоотларга ўрнатиладиган автоматлаштириш асбоб ва воситалари «Электрускуналарини ўрнатиш қоидалари»га мос бўлиши керак.

100. Фойдаланишдаги назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматлаштириш воситалари ГОСТ 8.002-86 «Ўлчаш воситалари устидан давлат ва тармоқ назорати»га мос равишда мажбурий давлат текширувидан ўтказилиб турилиши керак.

VI. Шовқин, вибрация хавфсизлигига доир талаблар

101. Корхонани қуриш ёки реконструкция қилишда лойиҳага амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари киритилиши лозим.

102. Технологик-ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқишда уларга ишчиларга таъсир қилувчи умумий ва маҳаллий вибрация даражасини камайтиришга доир техник қоидалар киритилиши керак.

103. Иш жойларидаги товуш даражаси ҚМҚ 2.01.08-96 «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари» ва санитария меъёрлари ва қоидаларига мос бўлиши лозим.

104. Иш жойлари жумладан, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ўринларидаги умумий ва маҳаллий вибрация тезлиги даражаси амалдаги вибрацион хавфсизлик, умумий талаблар стандарти бўйича рухсат этилган даражадан ошмаслиги лозим.

105. Транспорт воситаларининг иш жойларидаги умумий ва маҳаллий вибрация даражалари (вибротезлик, вибротезланиш) уларнинг техник паспортларида кўрсатилади.

106. Иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилишда шовқин даражаси ҳамда умумий ва маҳаллий вибрация даражаларини ўлчаш шарт.

107. Ишловчиларни ишлаб чиқаришнинг зарарли шовқинидан ҳимоя қилиш учун жамоавий ва индивидуал ҳимоя воситалари қўлланиши лозим.

108. Вентиляция, иситиш қурилмалари, ҳаво компрессор станциялари ва қувурларнинг шовқинини камайтириш учун қуйидагилар қўлланилиши шарт:

шовқин пасайтиргичлар ва ҳаво чиқиш жойларида товуш изоляциясини ўрнатиш;

вентиляторлар ва электр двигателларни вибрация ва шовқин ютувчи конструкцияларда ўрнатиш;

вентиляторларнинг кириш ва чиқиш тешикларини эгилувчан мосламалар ёрдамида бирлаштириш.

109. Қўл машиналари ва механизмларнинг вибрацион хусусиятларини ўрганиш бир йилда камида бир марта амалга оширилиши лозим.

110. Шовқин ва вибрациянинг таъсири билан боғлиқ касбий хасталиклар аниқланганда уларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тезкор чоралар қабул қилиниши лозим.

VII. Электр хавфсизлигига доир талаблар

111. Электр ускуналарини эксплуатация қилиш «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (2004 йил 9 июль, рўйхат рақами 1383 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари»га (2004 йил 20 август, рўйхат рақами 1400 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда) риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

112. Корхонада ва ҳар битта цех ёки мустақил иш участкасида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) асосий электр ускуналари ва химоя воситалари тавсифи берилган, хусусиятлари ва инвентарь рақамлари кўрсатилган карта паспортлари ёки журнал;

б) электр ускуналари, қурилмалар ва иншоотлар чизмалари, эхтиёт қисмлар чизмалари тўпламлари, ҳаво ва кабел тармоқларининг ижро схемалари ва кабел журналлари;

в) корхона, цехлар ва бўлимларнинг умумий электр таъминоти схемаси;

г) цех ва участка электр ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича эксплуатацион йўриқномалар тўплами, ҳар бир иш жойи бўйича лавозим йўриқномалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномалар тўплами.

113. Хизмат кўрсатувчи ходимлар (навбатчи электр монтажлар ва ҳоказо) учун корхона томонидан эксплуатацион йўриқномалар ишлаб чиқилиши лозим.

114. Корхонанинг портлаш хавфи бўлган цехларида ва бўлинмаларида жумладан, электр зарядлаш хонаси, аммиакли совутиш қурилмалари ўрнатилган хоналарда, портлаш хавфи бўлган моддалар сақланадиган омборларда электр техник ускуналар портлашдан химояланган тарзда тайёрланган бўлиши лозим.

115. Электр мосламаларида одамлар хавфсизлигини таъминлаш, электр ускуналарини чақмоқ ва бошқа ортиқча кучланишлардан сақлаш учун ерга улаш мосламаси ўрнатилиши, электр ускунасининг корпуси ерга уланиши лозим.

116. Электр ускуналари, бинолар ва иншоотларни яшин уришидан химоя қилиш учун хавфли электр потенциали мавжуд хоналарга стерженли ва тросли яшин қайтаргичлар ўрнатилиши лозим.

117. Хавфлилик даражаси юқори бўлган хоналарда кўчма қўл электр чироқларидан фойдаланишга 42 V дан юқори бўлмаган кучланишда йўл кўйилади.

Ўта хавфли хоналарда, сифимлар ва аппаратларнинг ичида, хоналардан ташқарида 12 V дан юқори бўлмаган кучланишда кўчма қўл электр чироқларидан фойдаланиш мумкин.

118. Портлаш ва ёнғин хавфи юқори бўлган шароитда ишлаш учун кучланиши 12 V дан юқори бўлмаган портлашдан ҳимояланган кўчма электр чироқлар ва аккумуляторли фонарлар бўлиши зарур.

119. Электр ускуналаридан фойдаланишда қўлланиладиган ҳимоя воситалари белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

VIII. Ёнғин хавфсизлиги

120. Барча ишлаб чиқариш, сақлаш ва бошқа ёрдамчи иншоотлар амалдаги «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги» қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мос равишда ёнғин ўчириш бирламчи воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

121. Ёнғинга қарши ускуналар яроқли ҳолда ва ҳамма учун қулай жойда бўлиши лозим.

122. Корхона раҳбарлари қуйидагиларни амалга ошириши керак:

барча ишчи ва инженер-техник ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича таълим олиши ва қоидаларга риоя этишини ташкил этиш;

ёнғин ва портлаш хавфини пасайтиришга йўналтирилган қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлаш;

барча бўлинмаларда ёнғинга қарши қатъий режимни ўрнатиш ва унинг ижросини мунтазам назорат қилиб бориш;

ишлаб чиқаришда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул шахсни тайинлаш;

ёнғин-техник минимуми бўйича ёнғинга қарши йўл-йўриқлар бериш ва ёнғинга қарши машғулотлар ўтказишни ташкил этиш.

123. Чой ишлаб чиқарувчи корхоналар ходимлари:

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд ҳамда заҳарли моддаларни билиши;

ёнғин ўчириш воситалари жойлашган жойни ҳамда улардан фойдаланишни билиши;

ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган амалларни бажармасликлари шарт.

124. Ҳар қандай ёнғин ҳолатида зудлик билан ишлаб чиқариш раҳбариятига хабар қилиниши лозим.

IX. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

125. Корхоналарни (цехларни) эксплуатация қилишда меҳнатнинг хавф-

сиз шароитларини таъминлаш ва мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик корхона раҳбарига (директорига, бош муҳандисига) юклатилади.

Х. Яқуний қоида

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси билан келишилган.

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Н. ХАНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

*«Ўздавэнергоназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

*«Саноатконтехназорат»
давлат инспекцияси бошлиғи*

И. ХОЛМАТОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

*«Ёз-мой ва озиқ-овқат
саноати» уюшмаси раиси*

Р. БЎРИЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 10 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

248 Кимё ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1958*

(2009 йил 24 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Кимё ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 16 апрель,
13-3/Б-сон*

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 16 апрелдаги 13-3/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Кимё ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим,
махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш
воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ МЕЪЁРЛАРИ**

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)	
I. Аммиакни ишлаб чиқаришда				
1.	Ишлаб чиқаришда банд бўлган аппаратчилар; кимёвий ишлаб чиқаришдаги масофадан бошқарув пультининг оператори; назорат ўлчаш асбоблари ва автоматика бўйича чилангар; аппаратура жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; чилангар-таъмирловчи	Мовут костюм ёки ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Комбинацияланган қўлқоп	2	
		Резина аралаштирилган фартук	12	
		Резина қўлқоп	3	
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
		Резина тагликда намат этик	48	
2.	Компрессор аппаратчиси; асосий технологик бошқич бўлимида банд бўлган аппаратчилар	Ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Резина қўлқоп	Навбатчи	
		Брезент қўлқоп	2	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
3.	Газгольдер станция оператори	Ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Брезент қўлқоп	2	
4.	Цех бошлиғи; бошлиқ ўринбосари; бўлим бошлиғи; Участка бошлиғи; уста, смена бошлиғи; энергетик; иссиқлик техниги; механик	Мовут костюм ёки ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Жун берет	24	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Ип газлама костюм	2	
Резина этик	12			
5.	Кран машинисти	Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Ип газлама халат	12	
		Чарм пойабзал	12	

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Қишда ишлаб чиқариш хоналари фаррошига қўшимча равишда:	
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Резина қўлқоп	Навбатчи
7.	Компрессор қурилмалари машинисти; насос қурилмалари машинисти	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	2
1.1. Моноэтанол билан тозалаш			
8.	Ишлаб чиқаришнинг технологик босқичида банд бўлган аппаратчилар; насос қурилмалари машинисти; механик; уста; смена бошлиғи	Ип газлама костюм	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	24
		Ички кийим	6
		Чарм пойабзал	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Брезент қўлқоп	1
Газни тозалаш бўйича бажариладиган ишларда қўшимча равишда:			
		Латун михли чарм ботинка	12
9.	Изолировкачи; дурадгор; футеровкачи (кислотоупоркачи)	Ип газлама костюм	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	24
		Латун михлардаги чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	1
10.	Аппаратура жиҳозларини таъмирлаш чилангари	Брезент костюм	12
		Ички кийим	6
		Чарм пойабзал	12
		Чарм қўлқоп	12
		Брезент қўлқоп	1
1.2. Газни сув, мис-аммиак ва ишқорлар билан тозалаш			
11.	Абсорбция аппаратчиси; газни тозалаш аппаратчиси	Ип газлама костюм	12
Газни тозалаш бўйича бажариладиган ишларда қўшимча равишда:			
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	3
		Брезент қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
Юқори босим скрубберларда ва мис-аммиакни тозалашда бажариладиган ишларда қўшимча равишда:			
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	12
		Резина костюм	Навбатчи
		Чарм пойабзал	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)	
		Комбинацияланган қўлқоп	2	
		Мис-аммиак эритмани регенерациясида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Ип газлама қўлқоп	1	
12.	Тиклаш аппаратчиси	Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча	
		Ип газлама костюм	12	
		Резина этик	12	
		Резина қўлқоп	Навбатчи	
		Брезент қўлқоп	2	
		Резина фартук	6	
		Қишда қўшимча равишда:		
Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36			
13.	Компрессорли қурилма машинисти	Мовут костюм	12	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Резина этик	9	
		Резина қўлқоп	1	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	24	
14.	Аппарат жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; чилангар-таъмирловчи	Ип газлама костюм	6	
		Чарм пойабзал	6	
		Резина этик	12	
		Резина қўлқоп	1	
		Ип газлама қўлқоп	1	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	12	
15.	Ишлаб чиқариш хоналари фарроши	Ип газлама костюм	12	
		Резина этик ёки калиш	9	
		Резина қўлқоп	1	
		Комбинацияланган қўлқоп	1	
1.3. Углерод ва метан окиси конверсияси				
16.	Конверсия аппарати аппаратчиси	Ип газлама халат ёки ип газлама костюм	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Резина пойабзал	24	
		Ички кийим	12	
		Брезент қўлқоп	2	

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
17.	Сатурация аппаратчиси; иссиқликни изоляцияловчи аппаратчи	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина қўлқоп	1
		Ип газлама қўлқоп	1
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
18.	Газголдер станция оператори	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	2
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
19.	Аппаратура жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
1.4. Совутиш усулида ҳавони бўлиш, компрессор цехи, аммиакни синтез қилиш ва аммиакни суюлтириш цехи			
20.	Суюқ аммиакомборида хом ашё тайёрлаш ва ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларни тарқатиш аппаратчиси; суюқ аммиак омборида банд бўлган ишчилар; чилангар-таъмирловчи; аммиак сувлари ва суюқ аммиакни тўқувчи-қуювчи; аммиак сувини тайёрлаш билан банд бўлган ишчилар	Ип газлама костюм	12
		Резина костюм	Навбатчи
		Резина этик	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина қўлқоп	2
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Ип газлама қўлқоп	2
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
		Резина тагликда намат этик	36
		Чилангар таъмирловчига қўшимча равишда:	
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
21.	Газ бўлинишидаги аппаратчиси; ҳаво бўлинишидаги аппаратчиси; конденсация аппаратчиси; сепарирлаш аппаратчиси; аралаштириш станциясидаги дозалаш аппаратчиси; электролиз аппаратчиси; синтез колоннаси аппаратчиси	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Резина қўлқоп	1
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
		Резина тагликда намат этик	Навбатчи
		Электролиз аппаратчисига қўшимча равишда:	
		Диэлектрик этик	Навбатчи
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Ҳимояловчи кўзойнак	Навбатчи
		Синтез колоннаси аппаратчисига қўшимча равишда:	
		Резина этик	12
22.	Термоизоляциядаги изолировкачи (термоизолировкачи)	Ип газлама костюм	12
		Брезент фартук	12
		Чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	2
23.	Мисчи	Ип газлама костюм	12
		Брезент фартук	6
		Комбинацияланган қўлқоп	2
		Чарм пойабзал	12
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
24.	Чилангар-таъмирловчи; аппаратура жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар	Компрессорлар, синтез бўлими жиҳозларини таъмирлаш қўшимча равишда:	
		Ип газлама костюм	12
		Резина костюм	Навбатчи
		Ички кийим	12
		Чарм пойабзал	12
		Кирза ёки резина этик	24
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Резина қўлқоп	3
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
25.	Смена бошлиғи	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	12
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
1.5. Газли цехлар			
26.	Линияларни текширувчи (қўриб юрувчи); газгольдер станция оператори	Сувдан ҳимояловчи модда шим-дирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	2
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
		Резина тагликда намат этик	36
27.	Қуруқ олтин гугуртни тозалашда банд бўлган, аппаратура жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; қуруқ олтин гугуртни тозалашда банд бўлган чилангар-таъмирловчи	Ип газлама костюм	12
		Резина костюм	Навбатчи
		Чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	2
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш мuddати (ой ҳисобида)
II. Суст (паст) азотли кислотани ишлаб чиқариш			
28.	Абсорбция аппаратчиси	Мовут костюм Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм Чарм пойабзал Резина этик Диэлектрик қўлқоп Резина қўлқоп Резина костюм Мовут қўлқоп Қишда қўшимча равишда: Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	24 24 12 9 6 Навбатчи Навбатчи 1 36
29.	Оксидланиш аппаратчиси	Инверсия колонналарига хизмат қилишда қўшимча равишда: Мовут костюм Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм Резина этик Резина костюм Резина қўлқоп Мовут қўлқоп Контактли аппаратларда ишлашда қўшимча равишда: Мовут костюм Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм Чарм пойабзал Резина қўлқоп Комбинацияланган қўлқоп Қишда қўшимча равишда: Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	24 24 12 Навбатчи Навбатчи 1 12 12 6 Навбатчи 2 36
30.	Хом ашё тайёрловчи ва ярим тайёр маҳсулот ва маҳсулотларни тарқатувчи аппаратчи	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм Чарм пойабзал Резина қўлқоп Противогаз Каска Қишда қўшимча равишда: Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	12 6 Навбатчи Яроқсиз бўлгунча Яроқсиз бўлгунча 36
31.	Теплоизоляция аппаратчиси	Ип газлама костюм Резина этик Комбинацияланган қўлқоп	12 12 2

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Резина қўлқоп	Навбатчи
32.	Газ билан пайвандловчи; ковшарловчи; қўл ёрдамида электрпайвандловчи	Мовут костюм	9
		Резина фартук	6
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Тизза тўсгич	6
		Мовут қўлқоп	1
		Қишда қўшимча равишда:	
Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36		
33.	Гидроизоляциядаги изолировкачи (гидроизолировкачи); гишт терувчи; дурадгор, столяр; ёрдамчи (транспортда) ишчи; сувоқчи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	1
34.	Омборчи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина калиш	6
		Комбинацияланган қўлқоп	Навбатчи
35.	Уста	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
		Мовут шлем	Навбатчи
36.	Компрессор қурилма машинисти	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	2
		Қишда қўшимча равишда:	
Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36		
37.	Насосли қурилмалар машинисти	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
38.	Чилангар-таъмирловчи; аппаратура жиҳозларини	Мовут костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
	таъмирлаш бўйича чилангар	Резина қўлқоп	Навбатчи
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Мовут қўлқоп	1
		Мовут шлем	Навбатчи
		Чарм пойабзал	6
		Резина пойабзал	24
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
39.	Тўқувчи-куювчи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина қўлқоп	6
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
40.	Минорадаги ишларда банд бўлган зарб қилувчи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина қўлқоп	6
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
		Резина костюм	Навбатчи
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
41.	Электр жиҳозларни таъмирлаш бўйича; чилангар-электрик; электр жиҳозларга хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр; электр жиҳозларни таъмирлаш бўйича; электромонтёр	Мовут костюм	12
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Диэлектрик калиш	Навбатчи
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи
		Резина пойабзал	12
42.	Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика чилангари	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Комбинацияланган қўлқоп	6
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Резина тагликда намат этик	36
43.	Ишлаб чиқариш хоналари фарроши	Мовут костюм	12
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Комбинацияланган қўлқоп	1
III. Қаттиқ (пишиқ, мустаҳкам) азот кислотани ишлаб чиқариш			
44.	Дозировкалаш аппаратчиси; кислоталар концентрациясининг аппаратчиси; хом ашё тайёрловчи ва ярим тайёр маҳсулотни ва тайёр маҳсулотларни тарқатувчи аппаратчи; тозаловчи	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Мовут костюм	6
		Ички кийим	6
		Резина этик	6
		Мовут қўлқоп	1
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Мовут шлем	6
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:	
	Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36	
45.	Органик (теплоносителни) иссиқлик ташувчини иситувчи аппаратчи	Ип газлама костюм	12
		Резина этик	12
		Брезент қўлқоп	2
46.	Насосли қурилмалар машинисти; аралаштирувчи аппаратчи	Мовут костюм	12
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Ички кийим	6
		Резина этик	6
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
		Мовут шлем	6
		Қишда ташқаридаги ишларда аралаштирувчи аппаратчига қўшимча равишда :	
	Иссиқликни сақловчи астарли ип газлама костюм	36	
47.	Цех бўлинмасида банд бўлган газпайвандловчи; цех бўлинмасида банд бўлган ковшарловчи	Мовут костюм	9
		Резина фартук	6
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
48.	Газни пуфловчи машиналар машинисти; компрессор қурилмалар машинисти	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Брезент қўлқоп	1
49.	Чанг-газни ушлаб қолувчи қурилмаларга хизмат кўрсатиш бўйича оператор	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Мовут костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи
		Ички кийим	9
		Резина этик	12

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)		
		Резина қўлқоп	Навбатчи		
50.	Цех бўлимасида банд бўлган дурадгор	Мовут костюм	24		
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24		
		Резина калиш	9		
		Резина қўлқоп	Навбатчи		
51.	Ёрдамчи ишчи	Мовут қўлқоп	1		
		Мовут костюм	24		
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24		
		Резина этик	12		
52.	Тўқувчи-куювчи	Мовут қўлқоп	2		
		Мовут костюм	24		
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24		
		Ишчи кийим	6		
		Резина фартук	6		
		Резина этик	9		
		Резина қўлқоп	Навбатчи		
		Мовут қўлқоп	1		
Мовут шлем	6				
53.	Ишлаб чиқариш хоналари фарроши	Мовут костюм	24		
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24		
		Резина этик	12		
		Резина қўлқоп	Навбатчи		
54.	Филтрларни ўрнатувчи	Мовут костюм	24		
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24		
		Резина этик	6		
		Мовут қўлқоп	1		
IV. Тўғри синтез усули билан пишиқ азот кислотасини ишлаб чиқариш					
55.	Ишлаб чиқариш технологик босқичларда банд бўлган аппаратчилар	Мовут костюм	24		
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24		
		Ички кийим	6		
		Резина фартук	6		
		Резина этик	9		
		Резина қўлқоп	Навбатчи		
		Комбинацияланган қўлқоп	1		
		Мовут шлем	6		
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:			
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка			36

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
56.	Фишт терувчи; термоизоляциядаги изолировкачи; кислотали резервуарлари қопламачиси; олов тўсувчи; печкачи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи
		Чарм пойабзал	12
		Ички кийим	6
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
		Мовут шлем	6
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:	
Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36		
57.	Чанг-газни ушлаб қолувчи қурилмаларга хизмат кўрсатиш бўйича оператор	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи
		Ички кийим	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Резина этик	12
58.	Цех бўлинмасида банд бўлган дурадгор	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина калиш	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
59.	Ёрдамчи ишчи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина этик	12
		Мовут қўлқоп	1
60.	Аппаратура жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; чилангар-таъмирловчи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина костюм	Навбатчи
		Ички кийим	6
		Резина этик	9
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Мовут қўлқоп	1
		Мовут шлем	6
61.	Ишлаб чиқариш хоналари фарроши	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
		Резина этик	12

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш мuddати (ой ҳисобида)	
		Мовут қўлқоп	2	
62.	Электр жиҳозларига хизмат кўрсатиш бўйича электромонтёр; электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича электромонтёр	Мовут костюм	24	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24	
		Резина қўлқоп	Навбатчи	
		Диэлектр қўлқоп	Навбатчи	
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
V. Нитрат-магнит усулида концентрацияланган азот кислотасини ишлаб чиқиш				
63.	Кислоталарни концентрациялаш аппаратчиси; хом ашёни тайёрловчи ва тайёр маҳсулотни тарқатувчи	Мовут костюм	6	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
		Ички кийим	6	
		Резина этик	6	
		Мовут қўлқоп	1	
		Мовут шлем	6	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча	
		Қишда қўшимча равишда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36	
64.	Чилангар-таъмирловчи	Мовут костюм	12	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
		Ички кийим	6	
		Чарм пойабзал	12	
		Резина этик	Навбатчи	
		Резина костюм	Навбатчи	
		Мовут қўлқоп	1	
		Мовут шлем	6	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Навбатчи	
65.	Чилангар-электрик	Мовут костюм	24	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
		Ички кийим	6	
		Чарм пойабзал	12	
		Резина этик	12	
		Мовут қўлқоп	Навбатчи	
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи	
		Диэлектрик калиш	Навбатчи	
		Мовут шлем	6	
66.	Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика чилангари	Мовут костюм	24	
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12	

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Ички кийим	6
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	9
		Мовут қўлқоп	1
		Мовут шлем	6
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи
		Диэлектрик калиш	Навбатчи
67.	Электргаз пайвандчиси	Мовут костюм	9
		Брезент костюм	12
		Ички кийим	6
		Резина этик	9
		Чарм пойабзал	12
		Мовут қўлқоп	1
		Тизза қоплагич	6
		Резина фартук	Навбатчи
		Қишда қўшимча равишда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	12
68.	Уста-технолог; жиҳозларни таъмирлаш бўйича уста; механик; смена бошлиғи	Мовут костюм	24
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	9
		Мовут қўлқоп	1
		Резина костюм	Навбатчи
		Мовут шлем	6
69.	Омборчи	Мовут костюм	24
		Резина калиш	6
		Ип газлама қўлқоп	Навбатчи
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	24
70.	Ишлаб чиқариш хоналари фарроши	Мовут костюм	24
		Ип газлама костюм ёки ип газлама халат	12
		Резина калиш	6
		Резина этик	12
71.	Цех бошлиғи; цех бошлиғининг ўринбосари; бўлим бошлиғи; энергетик	Мовут костюм	12
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Резина этик	Навбатчи
		Резина қўлқоп	12
72.	Кимё таҳлили лаборанти; Муҳандис-кимёгар	Мовут костюм	12
		Ип газлама костюм ёки ип газлама халат	12
		Резина калиш	6
		Резина этик	Навбатчи
		Чарм пойабзал ёки чарм шиппак	12

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ой ҳисобида)
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
VI. Аммиакли-музлаткичли компрессор бўлими			
73.	Аппаратура жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; чилангар-таъмирловчи; компрессорларни таъмирлаш бўйича чилангар	Ип газлама костюм	12
		Резина этик	24
		Чарм пойабзал	24
		Комбинацияланган қўлқоп	1
		Қишда қўшимча равишда : Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
VII. Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш			
74.	Ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларида банд бўлган аппаратчилар	Мовут костюм	12
		Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	6
		Брезент қўлқоп	2
		Резина фартук	12
75.	Грануляциялаш минораларидаги ишларда банд бўлган тозаловчи	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	6
		Брезент қўлқоп	1
		Қишда ташқарида бажариладиган ишларда қўшимча равишда: Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
